

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Бобожонов Муҳаммаджон Умарович

**“ФОРС КЎРФАЗИ МАМЛАКАТЛАРИ ТАШҚИ
САВДОСИДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР (САУДИЯ
АРАБИСТОНИ МИСОЛИДА)”**

5А 231001 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва
мамлакатшунослик (МДХ мамлакатлари бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: иқтисод
фанлари номзоди Бабаханов
Д.Ш.

Тошкент– 2015

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланганлиги ва унинг долзарблиги. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бугунги кунда ташқи савдо барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Жаҳон хўжалигига интеграциялашув миқёс самарасидан, халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашуви имкониятларидан унумли тарзда фойдаланишга шарт-шароит яратади, ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтиради ва пировард натижада иқтисодиётнинг умумий самарадорлик даражасини ортишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон ташқи савдоси динамикасининг таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакат экспортида хомашё, хусусан, ёқилғи-энергетика маҳсулотларининг улуши анча юқори. Бу эса мамлакат экспорти ва ялпи ички маҳсулотини жаҳон хом ашё бозорлари конъюнктурасига боғлиқ қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов айтганларидек, “Ўзбекистон жаҳон бозорида хомашё ресурсларининг, масалан, пахта ва бошқа турдаги хомашёларнинг нархи кескин тушиб кетган ҳолатларни кўп мартаба бошидан кечирган”¹. Бу эса Ўзбекистон олдида қўшилган қиймат даражаси ва фан сиғими юқори тайёр маҳсулотлар улушини ошириш асосида экспортда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш вазифасини қўяди. Мамлакатимизнинг табиий-иқтисодий ва инновация имкониятларидан келиб чиққан ҳолда экспортни ривожлантириш, иқтисодий хавфсизлик мезонлари талабларига жавоб берадиган импорт таркибини шакллантириш, шу билан бирга ташқи савдонинг тармоқ ва географик таркибини такомиллаштириш Ўзбекистонда амалга

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. /Халқ сўзи, 17.01.2015.

оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Саудия Арабистони ташқи савдосидаги таркибий ўзгаришларни қиёсий таҳлил қилиш асосида ушбу мамлакат тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти Саудия Арабистони ташқи савдосидаги таркибий ўзгаришлар жараёнлари ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг предмети ташқи савдо ривожланиши жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади жаҳон хўжалигида глобаллашув ва интеграция жараёнлари чуқурлашиб бораётган шароитда Саудия Арабиятони ташқи савдоси таркибидаги ўзгаришларни таҳлилий ўрганиш асосида ушбу тажрибадан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича илмий ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- халқаро ривожланиши бўйича илмий-назарий қарашларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- халқаро савдо ривожланишининг замонавий хусусиятларини очиқ бериш ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш;
- ташқи савдонинг таркибий ўзгаришларини таҳлил этишнинг услубий масалаларини ўрганиб чиқиш;
- Саудия Арабистонининг ташқи савдо динамикасини таҳлил этиш асосида унга таъсир этувчи омилларни бир тизимга келтириш;
- Саудия Арабистони ташқи савдосининг тармоқ ҳамда географик таркибидаги ўзгаришларнинг асосий йўналишларини кўрсатиб бериш;
- Ўзбекистон ташқи савдоси таркибини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

- Саудия Арабистони ташқи савдосида таркибий ўзгаришларга салмоқли таъсир этувчи шарт-шароит ва омилларга баҳо беришга муаллиф ёндошуви таклиф этилди;

- жаҳон савдосидаги асосий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда Саудия Арабистони ташқи савдоси таркибидаги ўзгаришлар йўналишлари асосланди;

- Саудия Арабистони тажрибасидан самарали фойдаланишни кўзда тутган ҳолда Ўзбекистон ташқи савдосининг таркибини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Магистрлик диссертациясида халқаро савдо назарияларининг ривожланиш эволюцияси, халқаро савдо ривожланишининг замонавий хусусиятлари, уни таҳлил этишнинг услубий масалалари, Саудия Арабистони ташқи савдоси динамикаси ва таркиби, Ўзбекистон ташқи савдоси таркибини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари каби масалалар кўриб чиқилади.

Магистрлик диссертациясининг фарази шундан иборатки, ташқи савдода илғор таркибий ўзгаришларга эришиш халқаро меҳнат тақсимооти имкониятларидан самарали фойдаланишга олиб келади ва экспорт тушумлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Халқаро савдонинг моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар, ташқи иқтисодий фаолиятнинг миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсири, экспорт сиёсати ва ташқи савдо стратегияларини ишлаб чиқишнинг назарий-услубий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи-олимлар – А.Смит, Д.Рикардо, Э.Хекшер, Б.Олин, В.Леонтьев, П.Самуэльсон, Р.Вернон, М.Портер, Ж.Сакс, А.Маршалл,

П.Кругман, Д.Хикс, Дж.М.Кейнс, Ф.Хайек² ва бошқалар томонидан чуқур ўрганилган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ташқи иқтисодий фаолият юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий хўжаликларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг назарий ва амалий муаммолари, экспорт салоҳиятини оширишнинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли МДХ ва Қозоғистон олимлари Е.Ф.Авдокушин, Л.И.Абалкин, Ж.М.Адилов, А.Амриев, К.М.Биксултанов, М.Добровски, Б.К.Есекин, В.П.Колесов, В.В.Ковалев, А.Несирбаев, А.А.Нурманов, В.В.Покровская, И.В.Пилипенко, Б.Ш.Сиздиқов, В.Соколов, Ю.Шишков, А. Эльянов³ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашувининг асосий йўналишлари, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-амалий жиҳатлари, экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари республикамиз иқтисодчилари – А.М.Алимов, Ш.Арифхонов, А.Ш.Бекмурадов, А.В.Вахабов, А.Ф.Расулев, Б.Ходжаев, Н.Т.Тўхлиев, А.Исаджанов, А.Исаджонов, Э.Х.Махмудов,

² Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, с. 332; Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. М.: Прогресс, 1993. с.293; Маршалл А. Принципы экономической науки. М.: Прогресс, 1993. с. 267; Hecksher Eli. 1919. The Effect of Foreign Trade on the Distribution of Income. – Economic Tidskrift, pp. 497-512; Bertil Ohlin. Irregional and International Trade. – Cambridge, Massachuset: Harvard University Press, 1933; Paul Samuelson. International Trade and the Equalization of Factor Prices. – Economic Journal 58 (1948), pp.163-184; Krugman Paul. Import Protection as Export Promotion: International Competition in the Presence of Oligopolies and Economic Scale. In: Monopolistic Competition and International Trade – Oxford: Oxford University Press, 1984; Портер М. Международная конкуренция. /Пер. с англ. Под ред. И с предисловием В.Д. Щетинина. М.: Международные отношения, 1993. – с.896; Кейнс Д. Общая теория занятости, процента и денег: Антология экономической классики. – М.: Эконом-Ключ, 1993. – с. 456.

³Добровски М. Обновленный Европейский союз и СНГ реалии экономического сотрудничества. //Неприкосновенный запас. – 2007, №6 (56), - с.26-30.; Пилипенко И.В. Конкурентоспособность и интеграция: кластерная политика в Европейском Союзе //Сборник научных трудов ИМЭМО РАН «Интеграционные процессы в современном мире: экономика, политика, безопасность». – Москва, 2007. – с.24-32.; Соколов В. Структура российской экономики и ее включение в мирохозяйственные связи. – Мировая экономика и международные отношения, 2001. №12, стр. 19-33.; Шишков Ю.В. Интеграционные процессы на пороге XXI века: Почему не интегрируются страны СНГ. М.: НП «III тысячелетие», 2001. – 352с.

Н.Сиражиддинов, Э.Ф.Трушин, Н.Т.Тўхлиев, Б.Эргашев⁴ ва бошқаларнинг илмий ишларида кенг ёритиб берилган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот давомида иқтисодий-статистик, тизимли таҳлил, таққослаш ва бошқа замонавий илмий ўрганиш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашуви, экспорт таркибини такомиллаштириш билан боғлиқ янги лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Илмий ахборот, назарий хулоса ва амалий тавсиялардан иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертацияси таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

⁴Хамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. – Т.: «Адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001. – 328 б.; Бекмуратов А. Внешняя политика Республики Узбекистан в контексте экономической безопасности (методологический аспект).//Xalqaro munosabatlar. 2000, №2. - с.3-10; Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: “Молия”. – 2010. – 328 с.; Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: Внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. - Т.: Узбекистан, 1996. – 80 с; Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. Монография. Ташкент – 2004. – 224 с.; Тўхлиев Н.Т., Ҳақбердиев Қ.Қ., Эрматов Ш.Ж., Холматов Н.Б. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 280 б.; Трушин Э., Прибиткова В. Сравнительные преимущества Узбекистана в международной торговле.// Экономический вестник Узбекистана.- 2000, №3. с.10-14

I БОБ. ХАЛҚАРО САВДО РИВОЖЛАНИШИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Халқаро савдо ривожланишининг моҳияти ва унга назарий ёндошувлар

Халқаро савдо жаҳон хўжалик алоқаларининг энг дастлабки ва асосий шакли ҳисобланади. Унинг тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади. Қадимги Миср, Юнонистон, Рим ҳали қулдорлик тузуми давридаёқ бошқа мамлакатлар билан савдо-сотик қилган. Инсоният тарихида биринчи марта Шарқ ва Ғарб дунёсини бир-бири билан боғлаган китъалараро Буюк ипак йўли ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган шаҳарларда савдо-сотикнинг кенг қулоқ ёйишига олиб келган эди. Гарчи сўнгги йилларда халқаро иқтисодий алоқаларда товар экспортига нисбатан инвестицияларни бевосита хорижга чиқариш юқори суръатларда ўсаётган бўлса-да, жами жаҳон хўжалик алоқаларининг 4/5 қисми халқаро савдо ҳиссасига тўғри келади. Бу, энг аввало, халқаро савдонинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти ва халқаро иқтисодий алоқалардаги ўрни билан изоҳланади.

Ташқи савдонинг ривожланиши миллий иқтисодиёт ривожланишига қуйидаги йўналишларда таъсир кўрсатади:

- миллий иқтисодиётнинг ресурслар базаси кенгаяди ва ички бозор торлигига барҳам берилади;
- миллий хўжаликларда такрор ишлаб чиқариш жараёнлари интенсивлашади: оммавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун имконият юзага келади, ускуналарнинг юкланганлик даражаси ошади, янги техника ва технологияларни жорий этиш самарадорлиги ўсади;
- жамғариш ва саноатлашув имкониятлари кенгаяди, иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллашади, табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш

самарадорлиги ошади, пировард натижада меҳнат унумдорлигининг ўсиши юз бериб, кишилар даромадлари кўпаяди;

- экспорт ҳажмининг ўсиши янги иш ўринларининг барпо этилишига олиб келади;

- мамлакатнинг халқаро ихтисослашув даражаси ортади.

Халқаро савдонинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрни қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, жаҳон хўжалик алоқаларининг барча шакллари – капитал чиқариш, ишлаб чиқариш кооперацияси, илмий-техника ҳамкорлиги халқаро савдо орқали амалга ошади.

Иккинчидан, товарлар халқаро савдосининг ривожланиши пировард натижада халқаро хизматлар алмашинуви даражасини белгилаб беради.

Учинчидан, халқаро савдонинг ривожланиши минтақавий интеграция жараёнлари жадаллашувининг муҳим шарти ҳисобланади ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига олиб келади.

Тўртинчидан, хорижий инвестициялар ва халқаро ҳисоб-китобларни рағбатлантиради.

Халқаро савдонинг ривожланишига буюк географик кашфиётлардан кейин янги денгиз йўлларининг очилиши кучли туртки бўлди. Айниқса, саноат, машиналашган ишлаб чиқариш халқаро хўжалик алоқаларини янада ривожлантириб юборди. Янги тармоқлар, ишлаб чиқариш турларининг пайдо бўлиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички истеъмолдан ташқари қисмини чет элга чиқариш ва сотиш имконини берди. Шу вақтнинг ўзида кўпчилик мамлакатларда хом ашё ресурсларига эҳтиёж кескин ошди. Энди ташқи олди-сотди ҳаракатларини амалга оширишни уйғунлаштирадиган халқаро бозор зарур бўлиб қолди.

Халқаро бозор – халқаро меҳнат тақсимоти, ташқи савдо ва иқтисодий муносабатлар билан ўзаро боғланган алоҳида давлатлар миллий

бозорларининг мажмуидир. Унинг кўлами фақат ташқи савдо, товар айирбошлаш билан чекланмайди. Сўнгги пайтларда мамлакатлар ўртасида капитал ҳаракати, валюта муносабатлари, ишчи кучи миграцияси, илмий-техника ҳамкорлиги катта аҳамият касб этмоқда. Кўплаб ташкил этилаётган қўшма корхоналар, эркин иқтисодий зоналар, трансмиллий компаниялар ҳам миллий давлатлар иқтисодиётини жаҳон бозори атрофида бирлаштиради. Инсоният глобаллашув, ягона халқаро иқтисодиёт, жаҳон иқтисодиёти ҳамжамияти сари бормоқда.

Халқаро савдонинг моҳияти, унинг сабаблари кўплаб иқтисодчилар эътиборини ўзига жалб этиб келган. Ушбу масалани дастлаб меркантилистлар⁵ изоҳлаб беришга ҳаракат қилганлар. Меркантилистлар мамлакат бойлигининг асосини олтин (пул) ташкил этади деб ҳисоблаганлар ва уларнинг ташқи савдо назариялари шу ғояга асосланган. Меркантилистлар фикрича, ташқи савдо мамлакатдаги олтин миқдорини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга қаратилмоғи лозим. Шу сабабли мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини яхшилаш учун имкон қадар маҳсулотларни кўпроқ экспорт қилиш ва камроқ импорт қилиш зарур, экспорт ва импорт ўртасидаги тафовут эса миллий бойликнинг ўсиши ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда давлат экспортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва импортни чеклаши лозим.

Кўриниб турибдики, меркантилистлар моҳиятан бир мамлакатнинг иккинчиси ҳисобидан бойишини таклиф этганлар. Шу билан бирга ушбу мактаб вакиллариининг хизматлари шундаки, улар биринчилардан бўлиб ташқи савдо муаммоларига эътибор қаратдилар, унинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятини таъкидладилар, экспорт ва импортга сарфланадиган харажатларнинг муайян нисбатини асослаб бердилар.

⁵Меркантилизм мактабининг асосий намояндалари Томас Мун (1571-1641), Чарльз Давенант (1656-1687), Джейн Баптист Колберт (1623-1687), Уильям Петти (1623-1687) ҳисобланади.

Халқаро савдо назарияси ривожланишига классик-иқтисодчилар сезиларли улуш қўшганлар. XVIII асрнинг охирлари ва XIX асрнинг бошларида буюк инглиз иқтисодчиси Адам Смит ўзининг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот”⁶ номли асарида (1776 йил) мутлақ афзаллик назариясини баён этди. Унинг фикрича, халқаро меҳнат тақсимоотида фаол иштирок этаётган мамлакатлар энг кўп фойда оладилар. Бирор бир товар ишлаб чиқаришда мутлақ афзалликка эга бўлган мамлакат ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви ва уни бошқа мамлакатга сотиши мақсадга мувофиқ. А.Смитнинг асосий хизмати шундаки, у табиий ва орттирилган афзалликларнинг мавжудлиги орқали мамлакатлараро савдо оқимларини тушунтириб берди.

А.Смитнинг мутлақ афзаллик назарияси Д.Рикардо томонидан янада бойитилди. У ўзининг “Сиёсий иқтисод ва солиққа тортишнинг бошланиши”⁷ (1817 йил) номли китобида нисбий афзаллик назариясини яратди. У юқори самарали хўжаликка эга бўлмаган мамлакатда ҳам ташқи савдо қўшимча манфаат келтиришини исботлаб берди. Ушбу назарияга мувофиқ алоҳида олинган мамлакат бошқа мамлакатга нисбатан кам харажатлар сарфлайдиган маҳсулотларни экспорт қилиши ҳам манфаатли ҳисобланади. Амалда мутлақ харажатлар бошқа мамлакатларга нисбатан бир неча баробар юқори бўлиши ҳам мумкин. У иқтисодий адабиётларда классик бўлиб қолган Англияда мато ва Португалияда вино ишлаб чиқаришни мисол қилиб келтиради.

Рикардо келтирган мисолга кўра, Англияда мато ишлаб чиқариш бир йилда 100 киши меҳнатини талаб қилади. Бу матони Португалияга сотиб, Англия ундан вино сотиб олади. Винони мамлакат ичкарисида ишлаб чиқариш эса қўшимча 120 кишини ишлаб чиқаришга жалб этишни талаб этар эди. Шундай қилиб, Англияга винони сотиб олиш фойдали

⁶ Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A Selected. Edited with an introduction and Notes by Kathrin Sutherland. – Oxford University Press, 1998, 618 pp.

⁷ David Ricardo. The Principles of Political Economy and Taxation. – Cambridge University Press, 1951, pp.133-149.

ҳисобланади. Айни вақтда Португалияда шунча миқдордаги мато ва винони ишлаб чиқариш учун мувофиқ равишда 90 ва 80 киши талаб этилади. Португалияда мато ишлаб чиқариш Англияга нисбатан арзон, аммо вино ишлаб чиқаришга нисбатан қиммат. Шу сабабли Португалия учун вино ишлаб чиқариш ва уни Англия матосига алмаштириш фойдали ҳисобланади. Агар бир хил миқдордаги мато ва винони ҳар бир мамлакат ўзи учун ва экспорт учун ишлаб чиқаради, деб фараз қилсак ва уларни ўзаро таққосласак, ташқи савдонинг афзаллигини осон исботлаш мумкин (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Ташқи савдонинг афзалликлари

Мамлакатлар	Бозор					
	Ёпиқ			Очиқ		
	вино	мато	жами	вино	Мато	Жами
Португалия	80	90	170	160	-	160
Англия	120	100	220	-	200	200
Жами	200	190	390	160	200	360

Келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, ишлаб чиқариш Португалияда самарали бўлиб, мутлақ афзаллик назариясидан келиб чиқиладиган бўлса, Англияда ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва барча маҳсулотларни Португалиядан сотиб олиш лозим. Айни вақтда мамлакатда барча ишлаб чиқаришни ёпиш мумкин эмас. Шу сабабли Англия хорижда энг арзон бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатади. Мазкур мисолда бундай маҳсулот вино бўлиб, Португалияда вино ишлаб чиқариш учун Англиядаги харажатларнинг 67 фоизи сарфланади, холос.

Вино ишлаб чиқаришдан озод бўлган кишилар мато ишлаб чиқариш билан шуғуллана бошлайдилар ҳамда уни ички эҳтиёжларни қондириш ва вино сотиб олиш учун етарли миқдорда ишлаб чиқара бошлайдилар.

Мато ишлаб чиқариш ҳам Англияга нисбатан арзон, аммо Португалия вино ишлаб чиқаришга ихтисослашишни афзал билади.

“Унинг (Португалия) учун ўз капиталидан вино ишлаб чиқаришда фойдаланиш афзалроқ, чунки Португалия ўз капиталининг бир қисмини виночиликдан мато ишлаб чиқаришга ўтказиш эвазига ишлаб чиқарадиган матога нисбатан Англиядан кўпроқ мато сотиб олишга эришади”⁸.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, ташқи савдо ҳар иккала мамлакат учун ҳам фойдали ҳисобланади. Агар мамлакатлар ташқи бозорга чиқмасалар Португалияда вино ва мато ишлаб чиқаришга сарфланадиган жами харажатлар 170 бирликни, Англияда – 220 бирликни ташкил этади. Ихтисослашув ва ташқи бозорга чиққандан сўнг Португалияда ишлаб чиқариш харажатлари 160 бирликка, Англияда 200 бирликка тенг бўлади. Иккала мамлакатда илгари эҳтиёжларни қондириш учун 390 меҳнат бирлиги талаб қилинган бўлса, ихтисослашувдан сўнг 360 меҳнат бирлиги керак бўлади, холос. Шундай қилиб, ташқи бозор истеъмол қилинаётган товарларга сарфланаётган харажатларни минималлаштиради.

Нисбий афзаллик назарияси меҳнатнинг қиймат назариясига асосланади. Ҳозирги кунда нисбий афзаллик муқобил харажатлар орқали аниқланади.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида халқаро савдодаги таркибий ўзгаришлар натижасида табиий афзалликларнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги роли сезиларли даражада пасайди. Швед олими Э.Хекшер ва даниялик Б.Олин қайта ишлаш саноати маҳсулотлари билан савдо қилиш сабабларини изоҳлаб берувчи назарияни яратдилар (XX асрнинг 20-30 йиллари). Ушбу назарияга мувофиқ турли мамлакатлар меҳнат, капитал ва ер билан турли даражада таъминланган бўлиб, уларга бўлган талаб ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Масалан, меҳнат ресурсларига бой бўлган мамлакатда капитал етишмовчилиги мавжуд бўлиб, меҳнат нисбатан арзон бўлади ва, аксинча,

⁸ Рикардо Д. Соч., Т.1. – с.117.

меҳнат ресурслари кам бўлиб, капиталга бой бўлган мамлакатда капитал нисбатан арзон бўлади. Шу сабабли биринчи мамлакатнинг меҳнат сиғими юқори бўлган, иккинчи мамлакатнинг капитал сиғими юқори бўлган маҳсулотни экспорт қилиши манфаатли ҳисобланади. Хекшер-Олин назарияси халқаро савдода кузатиладиган кўплаб қонуниятларни аниқ изоҳлаб беради. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатлар ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисмини ўзларида мўл бўлган ресурслар ташкил этадиган товарларни экспорт қиладилар.

XX асрнинг ўрталарида (1948 йил) америкалик иқтисодчилар П.Самуэльсон ва В.Столпер Хекшер-Олин назариясини янада такомиллаштирдилар. Ишлаб чиқариш омиллари ва техниканинг бир хиллиги, соф рақобат ва товарларнинг тўлиқ сафарбарлиги шароитида халқаро алмашув мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш омиллари нархларини тенглаштиради. Муаллифлар ўз концепцияларини Д.Рикардо модели асосида Хекшер-Олин назариясини тўлдириш орқали асослайдилар ва савдога нафақат ўзаро манфаатли алмашув, балки мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртасидаги тафовутни қисқартириш воситаси сифатида ҳам қарайдилар.

XX асрнинг 50-йилларида америкалик иқтисодчи В.Леонтьев ўз тадқиқотларида ташқи савдо назариясини янада ривожлантирди. Бу модель иқтисодий адабиётларда “Леонтьев парадокси” номи билан машҳур. Хекшер-Олин теоремасига асосланиб, у урушдан кейин Америка Қўшма Штатлари иқтисодиёти меҳнат сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганлигини кўрсатиб берди. Бу эса АҚШ иқтисодиёти тўғрисидаги илгариги назарияларга зид бўлиб, АҚШ капиталга бой мамлакат бўлганлиги туфайли капитал сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиши лозим эди. Таҳлил жараёнига иккидан ортиқ ишлаб чиқариш омилларини, шу жумладан, фан-техника тараққиёти ва меҳнатдаги тафовутларни (малакали ва малакасиз)

киритиб, В.Леонтьев юқоридаги парадоксни тушунтириб берди ва шу орқали халқаро савдо назариясига ўз хиссасини қўшди.

Кейинги йилларда жаҳон савдоси йўналишлари ва таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бундай ўзгаришлар жумласига жаҳон савдосида техник тараққиётнинг етакчи ўринга кўтарилганлиги, жаҳон савдо айланмасида ички фирма савдоси улушининг кескин ошганлиги, ишлаб чиқариш омиллари билан тахминан бир хил таъминланган мамлакатларда ишлаб чиқариладиган бир-бирига ўхшаш товарлар савдоси салмоғининг ўсиб бораётганлиги ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу ўзгаришларни фақат халқаро савдонинг классик назариялари орқали тушунтириш мушкул. Бу эса мавжуд назарияларни янада ривожлантиришга ва муқобил назарий концепцияларни ишлаб чиқишга туртки бўлди.

XX асрнинг 60-йилларида америкалик иқтисодчи Р. Вернон маҳсулотнинг ҳаёт цикли назариясини илгари сурди. Бу назарияда Р.Вернон тайёр маҳсулотлар халқаро савдосини уларнинг ҳаёт босқичлари орқали тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Мазкур назарияга кўра, маҳсулотнинг ҳаёт цикли тўртта босқични ўз ичига олади: жорий этиш, ўсиш, пишиб-етилиш ва пасайиш. Биринчи босқичда мамлакат (кўп ҳолларда ривожланган мамлакат) ичкарасида пайдо бўлган эҳтиёжга жавоб сифатида янги маҳсулот яратилади. Шу сабабли биринчи босқичда янги маҳсулотни ишлаб чиқариш кичик серияли характерга эга бўлиб, ишловчилардан юқори малака талаб қилади ва асосан ишлаб чиқариш ушбу маҳсулотни яратган мамлакатда жамланади, ишлаб чиқарувчи эса қарийб монопол мавқега эга бўлиб, маҳсулотнинг кичик қисми ташқи бозорга чиқарилади.

Ўсиш босқичида маҳсулотга бўлган талаб ошади, уни ишлаб чиқариш кенгаяди ва аста-секин бошқа мамлакатларга ҳам тарқала

бошлайди. Маҳсулот стандартлашади, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат кураши кучаяди ва унинг экспорти ҳажми ошиб боради.

Пишиб-етилиш босқичида йирик серияли ишлаб чиқариш устувор ўринга эга бўлади, рақобат курашида нарх омили биринчи ўринга чиқади ва бозорларнинг кенгайиши ҳамда технологияларнинг тарқалишига қараб маҳсулотни яратган мамлакат рақобат афзалликларига эга бўлмай қолади. Ишлаб чиқариш аста-секин ривожланаётган мамлакатларга кўча бошлайди, чунки бу мамлакатларда арзон ишчи кучидан стандарт ишлаб чиқариш шароитида самарали фойдаланиш мумкин.

Пасайиш босқичига ўтиш даражасига қараб маҳсулотга бўлган талаб, айниқса, ривожланган мамлакатларда, пасая бошлайди, ишлаб чиқариш ҳажми қисқаради, маҳсулот ишлаб чиқариш ривожланаётган мамлакатда тўпланади ва маҳсулотни яратган мамлакат соф импортерга айланади.

Маҳсулотнинг ҳаёт цикли назарияси кўплаб таромоқлар эволюциясини ҳаққоний акс эттиради, аммо халқаро савдо ривожланиши тенденцияларини тўла изоҳлаб бера олмайди. Кўплаб товарлар (ҳаёт цикли қисқа товарлар, транспорт харажатлари юқори товарлар, тор доирадаги потенциал истеъмолчиларга мўлжалланган сифат бўйича кескин табақалашган товарлар ва бошқалар) маҳсулотнинг ҳаёт цикли назариясига мувофиқ келмайди.

XX асрнинг 80-йиларида П. Кругман, К. Ланкастер ва бошқа бир қатор иқтисодчи-олимлар халқаро савдо назариясига муқобил назарияни таклиф этдилар. Бу назария миқёс самарасига асосланади. Бу самаранинг моҳияти шундан иборатки, муайян технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шароитида узок муддатли ўртача харажатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ўсиши билан қисқариб боради, яъни оммавий ишлаб чиқариш натижасида иқтисод қилиш имконияти юзага келади.

Ушбу назария муаллифлари фикрича, кўплаб мамлакатлар ишлаб чиқариш омиллари билан деярли бир хил нисбатда таъминланганлар. Шу сабабли улар оммавий ишлаб чиқариш самараси мавжуд бўлган тармоқларга ихтисослашишлари мақсадга мувофиқ. Бу ҳолатда ихтисослашув ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулотни кам харажатлар сарфлаган ҳолда ишлаб чиқариш имкониятини беради. Миқёс самараси амалга ошиши учун бозор етарли даражада катта бўлиши лозим. Бунда эса халқаро савдо катта роль ўйнайди, чунки у товарларни сотиш бозорини кенгайтириш имконини беради.

Шу билан бир қаторда миқёс самарасини амалга ошириш, одатда соф рақобат тамойилларининг бузилишига олиб келади, чунки у ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ва фирмаларнинг йириклашуви билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида бозор таркибининг ўзгаришига олиб келади. Натижада улар ёки олигополистик, ёки монополистик рақобатга асосланган бозорларга айланадилар.

Ташқи савдонинг моҳиятини ёритиб беришга қаратилган назарий қарашлардан бири М.Портернинг рақобат афзалликлари назарияси ҳисобланади. Ушбу назарияга мувофиқ халқаро бозорда мамлакатлар эмас, балки фирмалар рақобатлашадилар. Шу сабабли фирма рақобат афзалликларини қандай шакллантириши ва унда мамлакатнинг ролини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Халқаро алмашувда мамлакатнинг рақобатбардошлик даражасига “рақобатбардошлик ромби” деб аталувчи тўртта бир-бирига боғлиқ омиллар таъсир кўрсатади: 1. Ишлаб чиқариш омиллари шароитлари (мамлакатда асосий ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги); 2. Миқёс самарасини келтириб чиқарувчи ички талаб шароитлари; 3. Бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини қўлловчи тармоқларнинг (кластерларнинг) мавжудлиги; 4. Фирма таркиби стратегияси ва унинг ички тармоқ рақобатидаги ўрни.

Шундай қилиб, халқаро савдо назарияларини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, унинг моҳиятини ёритиб беришга қаратилган классик қарашлар ҳам, замонавий қарашлар ҳам ташқи савдо муносабатлари ривожланиши жараёнида вужудга келадиган барча саволларга жавоб бера олмаса-да, мамлакатларнинг жаҳон бозорида ўзига хос ўрин эгаллашларини таъминловчи афзаллик жиҳатларини аниқлашга имкон беради.

2. Глобаллашув жараёнининг халқаро савдо ривожланишига таъсири

Глобаллашув жараёни ҳозирги замон инсоният ривожининг умумий контекстини ташкил қилади, дейилса, муболаға бўлмайди. Унинг омиллари, кўринишлари, оқибатлари, турли жиҳатларини англамасдан бугунги кунда содир бўлаётган ижтимоий, иқтисодий, маданий ва геосиёсий ҳодисаларни тушуниш ва тўғри идрок қилиш мумкин эмас. Бежиз эмаски, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт”⁹, - деб таъкидлаган эди.

“Глобаллашув” атамаси илк бор иқтисодчилар томонидан янги бир жараён, яъни XX асрнинг 80-йилларида авж ола бошлаган жаҳон бозорларнинг бири-бирига қўшилиб кетишини ифодалаш учун қўлланила бошлаган эди. Аммо, кейинроқ шу нарса равшан бўлдики, жаҳон иқтисодиётининг интернационаллашуви, гарчи муҳим бўлса-да, айти

⁹Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маъруза

вақтда, глобаллашув жараёнининг фақат бир қисмидир. У эса, беҳад кенг бўлиб, иқтисодий вектор билан биргаликда ахборот-коммуникация, геосиёсий, дунёқараш ва цивилизацион хусусиятга эга бўлган жабҳаларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Шуни таъкидлаш жоизки, глобаллашувнинг кўринишлари ва оқибатлари теварагидаги мунозаралар сўнгги йилларда нафақат жонланди, балки қизғин тус олди. Нафақат айрим жамиятлар, балки бутун дунё бирига қарама-қарши турган, ва айрим вақтларда, ҳатто, уруш олиб бораётган «глобалчилар» ва «аксилглобалчилар»га ажралди.

Ҳақиқатдан ҳам, бир тарафдан, глобаллашув ахборот олиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, халқаро савдо ва ишлаб чиқариш кооперацияси олдидаги тўсиқларни бартараф этмоқда. Аксарият кишилар глобаллашув меҳнат, капитал, товар ва ахборот ҳаракатланишига олиб келаётганини, ва бинобарин, иқтисодий самарадорлик ва инсон тараққиёти учун мисли кўрилмаган имкониятларни вужудга келтиришини аниқ англамоқдалар ва кўрмоқдалар. Миллионлаб одамлар глобаллашувни фаровон турмуш, мустақил танлаш ҳуқуқи ва янада кўпроқ эркинлик, тўлиқ ва бевосита ахборот олиш, кўпроқ ҳақ тўланадиган жойларда ишлаш, энг яхши университетларда таълим олиш имкони билан боғламоқдалар. Глобаллашув даврида жаҳон бозорлари очикроқ ва уларга кириб бориш мумкин бўлиб қолди. Бу эса, кўпгина “учинчи дунё” мамлакатларига экспортни жадаллаштириш сиёсатини қўллаб ҳайратланарли иқтисодий раванга эришиш учун имконият очди. Айнан халқаро савдо “Осиё йўлбарслари” ва бошқа мамлакатларнинг юксалиши ҳамда қисқа вақт мобайнида “банана республикалар”дан қудратли оммавий саноат ишлаб чиқариши марказларига айланишларининг асосий омили бўлди. Ушбу, яқиндагина қолюқ мустамлака бўлган мамлакатларнинг аҳолиси, нафақат ўз ҳаёт тарзи, балки унинг сифатини ўзгартира билди; олдинги авлодлар тасаввур қилолмайдиган фаровонлик

даражасига эришди. Майкл Эллиот ёзганидек: “Осиё мўъжизасининг манбаи маҳаллий ишлаб чиқариш қувватларининг глобал савдо тармоқлари билан интеграциясини рағбатлантирувчи ва миллионлар учун иш жойи барпо этган ташқи алоқаларга интилган сиёсатдир”.¹⁰

Натижада, глобаллашув даври тарихда мисли кўрилмаган ва барча минтакаларни қамраб олган ҳаёт даражаси ва сифатининг ўсиши вақти бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йилги Инсон Тараққиёти ҳақидаги Маърузасида қайд этилганидек, сўнгги 30 йил мобайнида ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг турмуш шароити кескин яхшиланишига эришилди. Кутилажак умр кечириш бу ерда 8 йилга кўпайди. Саводсиз аҳолининг улуши қарийб икки марта, яъни 25 фоизгача камайди. Ўтган асрнинг 90-йилларида ер юзи аҳолисининг ўта қашшоқликдан азоб чекаётган қисми улуши 30 фоиздан 23 фоизгача тушди. Шарқий Осиёда фақат 90-йиллар мобайнида кунига бир долларга тенг даромадга кун кечирётган одамларнинг сони тенг ярмига камайди¹¹.

Глобаллашувга қарши бўлганларнинг фикрича, бу жараён трансмиллий корпорациялар ва индустриал Ғарбнинг ҳосиласи. У ўз моҳиятига кўра, ғайридемократик, элита, ва аксарият ҳолда емирувчи, вайрон қилувчи характерга эга бўлиб, бутун инсониятни, шунингдек, алоҳида давлатларни барқарор ривожланиш имкониятидан маҳрум қилади. Давлатлардан устун турган халқаро тузилмалар роли кўтарилиб, глобаллашув миллий давлатларни заифлантиради ва халқларнинг суверен иродасини менсимасликка олиб келади. Улар шунга аминдирки, глобаллашув бу - хавф-хатар ва таҳликалар келтирувчи жараёндир. У глобал исиш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, назоратсиз миграция оқимлари юзага келиши, иш жойларининг йўқолиши, анъанавий қадриятларнинг емирилиши каби муаммоларни келтириб чиқаради.

¹⁰ Michael Elliot, Time, Vol.173, Nos.26/27, 2009, p. 37

¹¹ Human Development Report, 2003

Халқаро савдо эркинлаштирилишининг асл маъноси шундан иборатки, ривожланаётган мамлакатлар томонидан савдо тўсиқлари бартараф этилиб, саноати ривожланган давлатлар бозорларига кириш имконияти чекланганлигича қолади. Шунинг учун бу жараён турли минтақалар аҳолиси ҳаёт даражасида жуда катта тафовут янада кенгайишига ва улар ўртасида «асимметрик боғлиқлик» пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда Янги Шимол, ёки саноати ривожланган дунё, глобаллашув жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, «менежери» бўлиб қолмоқда. Дунёнинг қолган ҳудудлари кўпинча ушбу жараён субъектлари сифатида намоён бўлаётир. Жаҳон аҳолисининг атиги 15 фоизи яшайдиган саноати ривожланган мамлакатлар дунё ресурслари, ишлаб чиқариш, савдо ва истеъмолнинг 70 фоизини назорат қилмоқда. Аммо, ҳар қандай ҳолатда, глобаллашув – объектив воқелик, табиий-тарихий жараёндир. Уни на инкор қилиш, на тўхтатиш, на кечиктириш мумкин. Глобаллашув қандайдир виртуал уйдирма фантом эмас. Бу миллионлаб одамлар томонидан илгари суриладиган реал, ҳар куни амалга ошириладиган жараёндир. Жаҳондаги ҳозирги тараққиёт жараёнларининг энг таниқли тадқиқотчилари асарларида берилган таърифларни умумлаштириб, хулоса қилишимиз мумкинки, глобаллашув маҳаллий аҳамиятга молик маданий, ахборот, иқтисодий, геосиёсий маконларнинг бир тизимга бирлашуви жараёнидир¹².

Глобаллашувнинг асосий хусусияти шундан иборатки, минтақалар ва мамлакатларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги тобора аниқ бўлмоқда. Иқтисодий соҳадаги глобаллашув, авваламбор, товарлар, капитал ва меҳнатнинг жаҳон миқёсидаги интеграциясидир. Бу икки жараён мажмуида ўз ифодасини топади. Биринчиси, бу – капитал, меҳнат ресурслари, товарлар ва хизматлар бозорлари глобаллашуви. Иккинчиси,

¹² Қаранг: Т. Friedman, *The Lexus and the Olive Tree*, Straus, New York, 1999; М. McLuhan, *The Global Village: Transformations in World Life and Media in the 21st Century*, New York, 2001; S. Strange, *The Retreat of the State*, Cambridge, 1996; М. Waters, *Globalisation*, London, 1995; E. Kofman and G. Youngs, *Globalization Theory and Practice*, London, 1996.

иқтисодий шакллар глобаллашуви, яъни иқтисодиёт ташкилий тузилмаларининг йириклашувидир. Унинг бу хусусиятлари 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз сабаб ва оқибатларида яққол намоён бўлди.

Жаҳон савдоси ва ишлаб чиқаришнинг сезиларли ўсиши, уларнинг интернационаллашуви, табиий равишда халқаро молиявий айирбошлаш соҳасида туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Бугунги кунда ҳар куни валюта айирбошлаш бозоридан 1,2 триллион АҚШ доллари ўтади. Халқаро банклараро тизим ва ҳисоб-китоблар тизими орқали амалга оширилаётган тўловлар ҳажми бир кунда 6 триллион долларни ташкил этади.¹³ Пул энди аксарият ҳолда қўлга олиб бўладиган, нақд нарса эмас. У бойлик ҳақидаги маълумотдан хабар берувчи электрон импульсдир.

Глобаллашув шароитида, миллий иқтисодиётлар чегаралари ювилиб кетмоқда. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири жуда кучли бўлмоқда. “Домино эффекти” вужудга келиш хавфи, яъни молиявий-иқтисодий инқирознинг бир мамлакатдан иккинчисига ўтиши, деярли муқаррар бўлмоқда. Аслида айтиш шундай ҳолат 2008 йилда содир бўлди. Ўшанда АҚШда Bear-Sterns, Lehman Brothers, Merrill-Lynch, AIG, Fannie Mae, Citigroup каби улкан компаниялар ниҳоятда мушкул аҳволга тушиб қолдилар ва натижада рўй берган молиявий саросима нафақат Америкада иқтисодий инқирозни вужудга келтирди, балки тезлик билан бутун дунёга ёйилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини сабаблари қаторида кўпгина тадқиқотчилар, авваламбор, 2007 йил ёзида АҚШда кўчмас мулк, яъни уй-жой бозоридаги аҳвол кескин равишда ёмонлашганини кўрсатадилар. Дарҳақиқат, ўша даврда бу мамлакатда ўн йил мобайнида биринчи бор уй-жойларга бўлган нарх-наво кутилмаганда 25 фоизга “қулади”, натижада Америка ипотека тизими инқирозга дучор бўлди. Нима учун ўн йил

¹³ B. De Schutter and J. Pas, About Globalisation, Brussels, University Press, 2004.

мобайнида кўчмас мулк нархи муттасил ва узликсиз кўтарилиб келди? Нега у бирданига кескин равишда пасайди? Нима учун бу ҳолат ипотека тизимида каттиқ зарба бўлди? Ва ниҳоят, нега бу ҳодисалар АҚШ иқтисодининг бошқа тармоқлари ва кейинчалик бутун дунё иқтисодида сурункали салбий ҳодисалар сабаби бўлди, деган саволлар туғилиши табиийдир.

Глобаллашув ва IT-иқтисодиёти пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий кўтарилиш, АҚШ кўчмас мулк бозоридаги нарх-наво 90- ва кейинги ўн йилликнинг биринчи ярмида уй-жойга бўлган талаб ортиши натижасида муттасил равишда юксалиб борди. Бунинг сабаби шундаки, ўша даврда глобаллашув туфайли йирик молиявий тушумларга эга бўлган кўпгина Осиё давлатлари ва ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлар жамғариш нормасини кўпайтиришга ва эндиликда ўзлари хорижий иқтисодиётларга, биринчи навбатда, АҚШ молиявий тизимида, инвестициялар йўналтиришга қодир бўла олдилар. Агар 1996 йилда ривожланаётган давлатларнинг умумий қарзи 88 миллиард долларни ташкил қилган бўлса, 2003 йилга келиб улар жаҳон молиявий бозорларига 205 миллиард долларни сармоя сифатида жойлаштирдилар.

Америкалик иқтисодчи ва мамлакат Федерал Резерв тизимининг раиси Б.Бернанкенинг иборасига кўра, бу “глобал жамғара сероблигини” (global saving glut) вужудга келтирди. Бу, ривожланган давлатлар (авваламбор АҚШ) молиявий бозорлари ривожланаётган мамлакатлардан юқори фойда олиш умидида келиб тушган жамғармалар билан тўлиб тошган эдилар, деганидир.

Тушунарлики, бундай шароитда банк ҳисоб ставкалар пасайиб, кредит олиш шароитлари тобора енгиллашиб борди. Натижада, банклардан қарз олганлар ичида «субстандарт» (sub-prime borrowers), ёки кредит обрўси паст бўлган кредиторлар улуши кўпайди. Масалан, АҚШда 2006 йилга келиб бундай заиф кредиторлар улуши ипотека тизимидаги умумий

кредитнинг 20 фозини ташкил қилди. Бундай шароитда, АҚШ молиявий тизими ўзини таҳликадан соқит қилиш ниятида, қимматбаҳо қоғозларнинг янги турларини ихтиро қила бошлади.

Гап шундаки, молиявий инновациялар орасида секюритизация алоҳида ўрин тутди. Унинг моҳияти шундаки, катта микдордаги индивидуал молиявий инструментлар, масалан, ипотека кредитлари, “бир қозонга” солиниб қорилади ва сўнг, аралашган ҳолда алоҳида-алоҳида “парчаларга” бўлинади. Натижада турли даражадаги қалтисликка эга бўлган парчалар турли ёндошувлар қўлловчи инвесторлар томонидан сотиб олинади. Масалан, “хеджланган” ёки яхши ҳимояланган фондлар қалтисроқ парчаларни сотиб олишлари мумкин бўлса, пенсия фондлари ишончлироқ бўлакларга харидор бўлишлари мумкин. Молиявий бозорларда мулк билан қувватланган қоғозлар (asset-backed commercial papers) ва гаров билан қафолатланган қарзлар (collateralized debt obligations - CDO) каби қимматли қоғозлар пайдо бўлди. Буларнинг барчасининг мазмун-моҳияти таҳликаларни диверсификация қилиш ёки иложи борича, алоҳида инвесторлар орасида ёйишдан иборат. Масалан, битта молиявий “қозонда” минглаб кредитлар билан биргаликда бир неча субстандарт қарзлар қориб юборилса, уларнинг айримлари дефолтга тушган ҳолда ҳам, умумий “қозон”га унчалик катта талофат етмайди, деган ёндошув мавжуд.

Иккинчидан, “осон” кредитлар даврида аксарият инвесторларда уй-жой нархи фақат тепага қараб юради, деган нотўғри ишонч бор эди. Бинобарин, уй-жой нархи кўтарилади ва кўчмас мулкга сармоя жойлаштириш катта фойда олиб келади, деган умидда, кўпчилик ипотека кредитлари олиб, унга уй сотиб олдилар. Бунинг оқибатида талаб ортиб, кўчмас мулк нархи 1996 йилдан 2006 йилгача ҳар йили ўртача 10 фоизга ортиб борди.

Аммо, 2006 йилнинг ўртасидан то 2008 йилнинг охиригача АҚШ миқёсида кўчмас мулкнинг ўртача нархи 26,6 фоизга тушди. Гап шундаки,

кўчмас мулк бозоридаги вазиятни бир оз “совутиш” учун Федерал Резерв тизими ҳисоб ставкасини кўтара бошлади; 2004 май ойидан то 2006 майигача у 1,25 фоиздан 5,25 фоизгача, яъни 4,2 маротаба ўсди. Бу эса, уй-жой нархининг кескин пасайишига олиб келди, ва авваламбор, субстандарт қарздорларга кучли зарба бўлди. 2007 йилнинг августига келиб, уларнинг 16 фоизи дефолтга учради. Кейинчалик, ходисалар бири-бирига уланиб кетиб, назорат остидан чиқиб кетди. Аввал ипотека кредитларини иштиёк билан сотиб олаётган банклар, эндиликда субстандарт қарздор билан боғлиқ хавфлардан ҳоли бўлиш ниятида, уларни тезлик билан сота бошладилар. Бу эса, молиявий бозордаги саросиманинг кучайишига олиб келди. Банклар “заҳарланган” активлардан қутула бошлаб, уларни сотиш эвазига олган маблағларини 1 йил муддатлик давлат облигацияларига сармоя қилдилар. Оқибатда “нақд пул инқирози” (liquidity crisis), яъни молиявий бозордаги трансакциялар ҳажми кескин камайиши содир бўлди. 2008 йил сентябрида АҚШ маъмурияти Fannie Mae ва Freddie Mac каби асосий ипотека муассасаларини амалда давлат тасарруфига олди, Lehman Brothers ўзини банкрот, деб эълон қилди, Merrill Lynch эса Bank of America га сотилди. АИГни қутқариш учун Федерал Резерв тизими 85 миллиард доллар ажратди.

АҚШ молиявий тизимидаги муаммолар нафақат мамлакатнинг барча соҳалардаги ҳолатига салбий таъсир кўрсатди, балки жаҳон миқёсида иқтисодий таназзулга олиб келди. Ривожланган давлатлар иқтисодиётлари 2 фоизга қисқарди. Бутун дунёда кўплаб банклар синиб, корхоналар ёпилди. Фақатгина АҚШнинг ўзида 3,5 миллион киши ишсизлар сафини тўлдирди. Аксарият давлатларда аҳоли турмуш даражаси кескин равишда пасайди.

1.3. Халқаро савдо ривожланишнинг замонавий тенденциялари

Ташқи савдо халқаро иқтисодий алоқаларнинг асосий шакли ҳисобланади, у ихтисослашув жарёнларини чуқурлаштиради, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади. Иқтисодий манфаатларни мақбул тарзда амалга ошириш имкониятларни беради. Шунинг учун давлатлар халқаро иқтисодий ҳамкорлик, экспорт-импорт операцияларни ривожлантириш орқали халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан фойдаланадилар.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда фан-техника тараққиётининг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви натижасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг характери ва йўналишларида туб ўзгаришлар юз бермоқда.

Бутунжаҳон савдо ташкилоти маълумотларига кўра 2012 йилда жаҳон товар ва хизматлар савдоси тахминан 23 трлн. долларни ташкил этди. Агар фақат товарлар савдосини кўриб чиқадиган бўлсак, у ҳолда жаҳон савдоси 18,4 трлн. долларни ташкил этади¹⁴. Айни вақтда жаҳон товар ва хизматлар савдоси 1980 йилга нисбатан 5,6 мартага ошганлигини таъкидлаш зарур.

1.2-жадвал

1980-2012 йилларда жаҳон савдосининг ривожланиш динамикаси (трлн. АҚШ доллари ҳисобида)

	1980	1990	1995	2000	2008	2012	2012 йилда 1980 йилга нисбатан, марта
Экспорт	2,0	3,5	5,2	6,4	7,7	12	6
Импорт	2,1	3,6	5,2	6,5	8,3	11	5,2
Ташқи савдо айланиши	4,1	7,1	10,4	13,0	16,0	23	5,6

Манба: World development indicators, 2013. The World Bank. Washington.

¹⁴ UNCTAD Handbook of statistics 2013. New York and Geneva 2014.

Агар жаҳон товар ва хизматлар экспортининг жаҳон ялпи ички маҳсулотига нисбатини кўриб чиқадиган бўлсак, бу кўрсаткич 2012 йилда 32 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, 1990 йилларнинг бошларида бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил этар эди. 1992-2012 йиллар давомида жаҳон ялпи ички маҳсулотида экспорт квотаси 1,5 мартага ошди¹⁵. Бу эса жаҳон савдоси жаҳон ишлаб чиқаришига нисбатан юқорироқ суръатларда ўсаётганлигини билдиради.

Бундай тенденция натижасида эса миллий хўжаликларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси яқин йилларга нисбатан ҳам сезиларли даражада ортди.

Бугунги кунда халқаро савдонинг энг асосий қатнашчилари – ривожланган мамлакатлар ва Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари ҳисобланади. Жаҳон товар ва хизматлар экспортининг 2012 йилда қарийб 25 фоизи Еврозона мамлакатлари, 10 фоизи – АҚШ, 10 фоизи – Хитой, 9 фоизи – Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари ҳиссасига тўғри келди¹⁶.

Умуман олганда жаҳон савдосида ривожланган мамлакатлар позициясининг сусайиши ва Хитой ҳамда Осиёнинг қатор динамик ривожланаётган мамлакатлари улушининг ошиши жаҳон савдоси ривожланишининг муҳим тенденцияларидан бири ҳисобланади. Бундай тенденция натижасида 2010 йилнинг бошида жаҳон савдосида ўзига хос ҳодиса юз берди, яъни биринчи марта жаҳон савдосида ривожланаётган мамлакатларнинг улуши ривожланган мамлакатлардан юқори бўлди ва 50 фоиздан кўпроқни ташкил этди. Ваҳоланки, 1980 йилда бу мамлакатларнинг жаҳон савдосидаги улуши 33 фоизни ташкил этар эди, холос.

Шу нуқтаи назардан жаҳон мамлакатларининг сўнгги 100 йилда – 1913 йилга нисбатан жаҳон савдосидаги позицияси қандай ўзгарганлигини

¹⁵ UNCTAD Handbook of statistics 2013. New York and Geneva 2014.

¹⁶ World development indicators, 2013. The World Bank. Washington.

кузатиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Рақамлар шуни кўрсатадики, 1913-2012 йиллар давомида Буюк Британиянинг жаҳон савдосидаги улуши 18,5 фоиздан 2,6 фоизгача, Германиянинг улуши 18 фоиздан 7,7 фоизгача пасайган бўлса, АҚШнинг улуши деярли ўзгармасдан қолган: 1913 йилда 9 фоиз, 2012 йилда 8,4 фоиз. Айни вақтда Япониянинг улуши 0,8 фоиздан 4,4 фоизгача, Хитойнинг улуши 2 фоиздан 11,2 фоизгача ўсган¹⁷.

Сўнгги ўн йилликларда жаҳон савдоси жаҳон ишлаб чиқаришига нисбатан юқори суръатларда ўсаяпти, аммо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ошиши халқаро савдонинг иқтисодий конъюнктура тебранишларига таъсирчанлиги ҳам ошиб бормоқда.

Кейинги йилларда халқаро савдони ривожланишига қуйидаги омиллар жиддий таъсир кўрсатмоқда:

- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва жаҳон хўжалигининг байналмилаллашуви (интернационаллашуви), миллий хўжаликларнинг очиқлиги ва барча мамлакатларнинг экспорт квотаси кўрсаткичларининг йилдан - йилга ортиб бориши;

- илмий-техника тараққиёти ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини таркибий ўзгаришларини таъминлади, бу жараён буюмларнинг маънавий эскиришини тезлаштирди. Маълумотларга кўра, ҳар йили жаҳон савдо айланмасига киритилаётган буюмларнинг 40 фоизи янгиланмоқда;

- четга капитал чиқариш ҳажми ва суръатлари ортмоқда. Тўғридан-тўғри инвестициялар кўпаймоқда. Жаҳон экспорт салоҳияти, халқаро товар айланмаси ортмоқда ва кўлами кенгаймоқда. Капитал оқимларида 10 та йирик мамлакат алоҳида ўрин тутади. Масалан, тўғридан-тўғри инвестициялар экспортида йирик мамлакатлар ҳиссаси 83,4фоиз, импортида эса 73,1фоизн ташкил этади¹⁸;

¹⁷ UNCTAD Handbook of statistics 2013. New York and Geneva 2014.

¹⁸ Международные экономические отношения: Учебник. 2-е издание. Н.Н. Ливенцев ва бошқалар.-М.: Проспект, 2005. –С.268

- жаҳон бозорларида Трансмиллий компанияларнинг фаолияти фаоллашмоқда, ишлаб чиқаришнинг марказлашуви ва йириклашуви жараёнлари ривожланмоқда. БМТнинг Савдо ва Ривожланиш бўйича Конференцияси (UNCTAD-ЮНКТАД) маълумотларига кўра, жаҳон савдосининг 2\3 қисми ТМКларнинг ҳиссасига тўғри келади¹⁹.

- халқаро савдонинг таркиби сезиларли даражада ўзгарди: мамлакатлар маҳсулотлар айирбошлашдан ташқари турли хил хизматлар, молия капитали, ишчи кучи, фан-техника ахборотлари, янги технологиялар, бошқарув усуллари ва бошқалар билан фаол савдо - сотиқ олиб боришга ўтдилар;

- эркин савдо ва божхона иттифоқларини тузиш орқали минтақавий интеграциянинг ривожланиши ва чуқурлашуви жараёнлари жадаллашди. Масалан Европа Иттифоқи, NAFTA (Шимолий Америка мамлакатларининг эркин савдо уюшмаси) кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин;

- давлатнинг экспорт ва импорт операциялари учун қулай шарт - шароит яратиш (most favored nations - MFN) мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятга фаол аралашуви жараёнлари кучайди;

- халқаро савдонинг ривожланишида Эркин иқтисодий ҳудудларнинг устуворлиги (масалан Хитой, Таиланд, Кипр ва бошқа мамлакатлар мисолида);

- иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ўз ишлаб чиқаришларини эндигина ривожланаётган мамлакатларга кўчирдилар. Чунки, ривожланган мамлакатларда солиқ юкининг оғирлашуви, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий қонунчилик талабларининг кучайиши ҳамда арзон ишчи кучидан фойдаланишга интилиш ана шундай йўлдан боришга олиб келди.

¹⁹ Международные экономические отношения: Учебник. 2-е издание. Н.Н. Ливенцев ва бошқалар.-М.: Проспект, 2005. –С.300.

Ташқи савдо алоқаларига жиддий таъсир этадиган муҳим омил - нарх омили ҳисобланади. XX асрнинг охири чорагидан бошлаб жаҳон савдосининг асосий товар гуруҳлари нархларининг тушиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Бунинг асосий сабаби - жаҳондаги йирик нетто-импортерлар - Осиё мамлакатларида ялпи талабнинг камайиши, қишлоқ хўжалигини реструктуризациялаш ва ишлов берувчи саноат тармоқларига йирик капитал қўйилмаларнинг йўналтирилиши. Айрим мамлакатлар экспорт имкониятларининг ортиши бу ишлаб чиқаришлар таклифининг ортиши ва унга мос равишда талабнинг камайиши ҳамда унга мос равишда нархларнинг пасайишига олиб келди.

Ҳозирги замон халқаро иқтисодий назарияларида, асосан, макроиқтисодий, фирма ва корхоналар даражасидаги таҳлилларни олиб боришга муҳим аҳамият берилади. Аслини олиб қараганда, халқаро савдо жараёнларининг шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. У натурал хўжалик юритиш шаклидан товар-пул муносабатларига ўтиш, шунингдек, миллий давлатларнинг ташкил топиши ва ишлаб чиқариш муносабатларининг нафақат мамлакат ичкарисида, балки унинг ташқарисида ҳам ўрнатилганлиги билан изоҳланади.

Ҳозирги пайтда халқаро савдо халқаро иқтисодий муносабатларнинг анча ривожланган шакли бўлиб ҳисобланади. Халқаро савдо шаклланишининг ўзига хос зарурияти қуйидаги омиллар орқали изоҳланади:

Биринчидан, халқаро ишлаб чиқаришнинг ўзига хос тарзда ривожланиб бориши натижасида дунё бозорларининг шаклланиши;

Иккинчидан, турли мамлакатларда муайян тармоқларнинг номутаносиб тарзда ривожланиш оқибатида анча илғор, ривожланган тармоқ маҳсулотларини ички бозорларда реализация қилиш

имкониятларининг чекланганлиги ва уларни ташқи бозорларга олиб чиқиш заруриятининг пайдо бўлганлиги;

Учинчидан, тўхтовсиз иқтисодий ривожланиш шароитида ишлаб чиқариш кўламида чексиз кенгайиш аломатларининг юзага келганлиги ва унинг ички талаб чегарасидан ортиқча бўлиб қолиши;

Тўртинчидан, тинчлик, барқарорлик шароитида давлатлараро муносабатларнинг таркиб топиши;

Бешинчидан, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлишуви шароитида ишлаб чиқариш ва капиталнинг интеграциялашуви;

Олтинчидан, илмий-техника тараққиёти шароитида янги ишлаб чиқариш тармоқларининг шакллантирилиши ва жаҳон бозорида халқаро корпоратсиялар ролининг ортиб бориши;

Еттинчидан, халқаро савдонинг Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ/ВТО) доирасига қабул қилинган меъёрий хужжатлар ва халқаро келишувлари асосида тартибга солиниши;

Саккизинчидан, халқаро савдонионг эркинлашуви шароитида “Эркин Иқтисодий Зоналар”нинг ташкил топиши;

Тўққизинчидан, савдо-иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиши ва минтақавий тўсиқларнинг олиб ташланиши мҳамда умумий бозорларнинг шакллантирилишидан иборатдир.²⁰

XIX-асрда Ғарб мамлакатларида йирик машиналашган ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши халқаро савдони сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш кўламининг катталашувига ва мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларнинг кенгайишига олиб келди. Жаҳон хўжалиги тизимида рўй берган ана шундай ўзгаришлар оқибатида бир томондан ташқи савдо иқтисодий ўсишнинг муҳим омилига айланиб қолган бўлса, иккинчи

²⁰ Тенденции развития международного торгова. Г.Мухамеджанова., Д.Эргашев: ТГЭУ, Ташкент. 2007. С-38.

томондан мамлакатларнинг халқаро товар айрибошлашга бўлган даражаси янада ортиб борди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг халқаро савдонинг ривожланишида фан-техника тараққиётининг таъсири юқори болди. У иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта янгилаш, янада янги тақмоқларни вужудга келтириш, эскиларини эса техник жиҳатдан қайта қуроллантиришда муҳим аҳамият касб этди. Фан-техника революцияси шароитида ишлаб чиқариш соҳасида рўй берган салмоқли ўзгаришлар жаҳон савдосининг ривожланишига туртки бўлди ва ишлаб чиқаришнинг халқаро миқёсда ихтисослашуви кооперациялашувини талаб этди. Ушбу жараёнлар мамлакатлар ўртасидаги товар айрибошлашнинг тезкор суръатлар билан ўсиб боришида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Товар айрибошлашнинг бундай тарзда ўсиб бориши, энг аввало, қайта ишловчи саноат маҳсулотлари ҳисобидан таъминланади. Урушдан кейинги даврда жаҳон савдоси тез суръатлар билан ўсиб борди ва унинг ўртача йиллик ўсиш суръати жаҳон ишлаб чиқариши ўсиши даражасидан тахминан 1,5 баробар ортиқ бўлди.²¹

Агар иккинчи жаҳон урушидан олдин халқаро савдода хом-ашё устуворлиги кузатилган бўлса, 90-йилларга келиб тайёр маҳсулотлар улуши тўхтовсиз ортиб борди. Хозирги пайтга келиб, уларнинг ўртача ҳажми жаҳон савдо оборотининг 2/3 қисмини ташкил этади.²²

Бинобарин, халқаро савдонинг географик таркибида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу эса алоҳида мамлакатлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг жаҳон бозорида тутган ўрни билан белгиланади. Хозирги вақтда саноати ривожланган мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги улуши 71-72 фоиз ни ташкил этади. Уларнинг импортдаги улуши ҳам тахминан шунга тенг. Халқаро

²¹ П.В.Сергеев. Мировая экономика. М.: 2007. 75-б.

²²Под редакцией д.э.н., проф., член-корр. РАЕН Е.Ф. Жукова. Международные экономические отношения. М.: ЮНИТИ. – 1999 г. 86-б.

савдонинг 20 фоиздан ортиқроғи эса ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.²³

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, умумжамият миқёсида ишлаб чиқарилган товарларнинг катта қисми ташқи бозорларда айрибошлаш қилинади. Бу эса мамлакатлар учун ташқи савдони янада ривожлантириш зарурлигини тақозо этади. Ташқи савдо алоқаларининг кенгайиши нафақат маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиб сотиш эҳтиёжидан, балки чет элдан маълум турдаги товарларни олиб келиш заруриятидан ҳам келиб чиқади. Ташқи бозор, асосан, ривожланаётган мамлакатлар учун муҳим рол ўйнайди. Уларнинг кўпчилиги нисбатан чекланган ички бозорга эга эканлиги билан изоҳланади.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим омиллардан бири давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимооти жараёнларига кўпроқ тортилишидир. Халқаро меҳнат тақсимоотида иштирок этиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бориш имконини беради. Бу энг аввало, дунё мамлакатлари орасида бир турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларнинг турлича эканлиги билан изоҳланади.

Мутахассисларнинг фикрича, халқаро меҳнат тақсимооти тобора чуқурлашиб боргани сари халқаро товарлар ва хизматлар айрибошлаш ҳам маълум даражада ўсиб боради. Келажакда иқтисодиёти тараққий этган мамлакатлар ишлаб чиқариши кўпроқ ташқи бозорларга тамон қаратилган бўлади. Ривожланаётган мамлакатларда эса ички бозорларнинг тез ва жадал равишда кенгайиб бориши тахмин қилинмоқда.

Маълумки, мамлакатлар ташқи савдосининг ривожланиши жаҳон бозори конъюктурасига бевосита боғлиқ бўлади. Дунё бозори миллий доирадаги бозорларга нисбатан ўзининг бир қатор жиҳатлари билан фарқ қилади:

²³Е.Ф.Жукова. МЭО. 87-б.

Биринчидан, агар миллий бозор мамлакат корхоналари ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларига боғлиқ бўлса, жаҳон бозори мамлакатлар ташқи иқтисодий стратегиясига бевосита боғлиқ бўлади;

Иккинчидан, жаҳон бозорининг ўзига хос томони – бу халқаро нархлар тизимининг амал қилиши ҳисобланади. Давлатлар ўртасида товар айрибошлашнинг жадаллашувида, шунингдек, капитал экспортининг кўпайиши ва жаҳон хўжалиги тизимида халқаро интеграция жараёнларининг юқори даражада ривожланиб бориши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Савдонинг глобаллашуви ва интеграция жараёнларининг чуқурлашуви унда катнашувчи мамлакатлар олдида янгидан-янги талабларни келтириб чиқарди.

Глобаллашув миллий иқтисодиётнинг барча ишлаб чиқариш соҳаларини жаҳон иқтисодий тизими билан янада кучлироқ боғланиши учун янги имкониятларни яратиб берди. Глобализация жараёнлари миллий иқтисодиётни эркинлаштириш ва уни янада ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Глобаллашган жаҳон иқтисодиёти шароитида мақсадга мувофиқ ва самарали ташқи иқтисодий сиёсатни олиб бориш энг асосий масалалардан бирига айланди. Ана шундай бир шароитда мамлакатлар олдида ташқи савдони такомиллаштириш орқали миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ва жаҳон бозоридан муносиб ўринни эгаллаш энг муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Хар қандай давлат учун ташқи савдо рўлига ортиқча баҳо бериш қийин. Бироқ Ж.Сакс таърифи билан айтганда: “Дунёнинг хоҳлаган мамлакати иқтисодий ўсиши ташқи савдо асосидадир. Хали ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажралган ҳолда соғлом иқтисодиётни ярата олмаган”. М. Пейро таъбири айтганда XX-асрнинг

иккинчи ярмидан эътиборан халқаро алмашинув “портловчи характер” касб этган бир пайтда халқаро савдо жадал суръатлар билан ривожланди.²⁴

1950-йилдан 1970-йилгача бўлган давр ичида жаҳон савдо обороти 14 баробар ўсди. Ғарб мутахасисларининг фикрига кўра, 1950-70-йиллар оралиғидаги давр халқаро савдо ривожланишининг “олтин асри” даври бўлди. Айти шу давр ичида жаҳон экспортининг йиллик ўсиши 75 фоиз ни ташкил этди. 70-йилларга келиб унинг ўсиш суръатида бир оз пасайиш аломати (5 фоиз) кузатилган бўлсада, 80-йиллар охирларида жаҳон экспортида бир оз жонланиш (8,5 фоиз) юзага келди. 90-йиллар бошларида эса вақтинчалик пасайиш кузатилган бўлиб, у унчалик узоқ давом этмаган. 90-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан жаҳон савдосида яна ривожланиш босқичлари бошланди.

Халқаро савдонинг эркин тамойиллар асосида ривожланиб бориши унда қатнашувчи мамлакатлар учун тенг шарт-шароитлар яратилишини назарда тутди. Бу шундан далолат берадики, жаҳон савдосида қатнашувчи барча мамлакатлар миллий ишлаб чиқаришларини ривожлантириш орқали ташқи савдони доимий равишда такомиллаштириб боришлари зарур ҳисобланади. Ташқи савдони ривожлантириш ва доимий равишда такомиллаштириб бориш давлат томонидан қуйидаги зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини талаб этади:

- Ташқи савдони ривожлантиришнинг аниқ дастурларини ишлаб чиқиш;
- Ташқи савдо фаолиятини ривожлантиришнинг ахборот тизимини яхшилаш;
- Ташқи савдо фаолиятининг ривожланишига қўл келадиган зарурий чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;
- Ташқи савдо статистикасини доимий тарзда олиб бориш;

²⁴ Тенденции развития международного торгова. Г.Мухамеджанова., Д.Эргашев: ТГЭУ, Ташкент. 2007. С-17

- Ташқи савдо фаолияти соҳасида давлатлараро муносабатларни кенг йўлга қўйиш;
- Ташқи савдо фаолияти қатнашчиларини кредит маблағлари билан таъминлаш;
- Савдо кўргазмалари, ярмаркалари ва махсус конференциялар ташкил этиш ҳамда уларда иштирок этиш;
- Товарлар ва хизматлар экспортини ривожлантириш бўйича реклама компаниярини амалга ошириш.

Ташқи савдо сиёсати – бу давлат томонидан ички бозорни ҳимоя қилиш ёки ташқи савдо ҳажмини кўпайтириш мақсадида экспорт-импорт операциялари иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда уларни тартибга солишга қаратилган зарурий чора-тадбирларнинг амалга оширилишидир.

Ташқи савдо сиёсатининг энг муҳим жиҳати – бу давлатнинг ташқи савдо операцияларида фаол иштирок этишидир. Давлат валюта, пул-кредит, солиқ сиёсати, ташқи савдо операцияларини амалга оширишда тарифф ва нотариф усуллардан фойдаланиш орқали экспорт ва импортни тартибга солиш ва шу йўл орқали миллий иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланишига, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорларга эркин чиқа олишлари учун қулай шароит яратиш беради. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида корхоналар ташқи савдо фаолияти миллий ва давлатлараро тизимлар ёрдамида тартибга солиб турилади. Ташқи савдога давлат аралашувининг кучайтирилиши, ўз навбатида корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятининг кенгайиб бораётганлиги шароитида улар фаолиятининг ташқи бозорлар ҳолатига бевосита боғлиқ бўлиб қолаётганлиги билан изоҳланади.

Ҳозирги вақтда ер юзидаги барча мамлакатларда ташқи савдо давлат томонидан турли усуллар ёрдамида тартибга солиб турилади. Бироқ ташқи савдони тартибга солиш даражаси ҳар бир мамлакатда ўзига хос жиҳати билан фарқ қилади. Масалан, Австрия давлати гўшт маҳсулотларига квота

ўрнарған бўлиб, унинг миқдори ҳар бир мамлакат учун 10 000 тоннадан ошмаслиги керак эди.

Ташқи савдони давлатлараро тартибга солиш асосан, икки томонлама ва кўп томонлама битимлар ва шартномаларни тузиш орқали амалга оширилади. Ташқи савдони тартибга солишнинг миллий тизимлари жумласига ташқи савдони тартибга солишда қўлланиладиган божхона тарифлари ва нотаиф чекловлар, шунингдек, экспортни рағбатлантириш ва импортни чегаралаш ҳамда валюта-кредит билан боғлиқ чора-тадбирлар тизими киради. Ташқи савдони тартибга солиш давлат иқтисодий стратегиясининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай мамлакат очик иқтисодиётни шакллантириш ва жаҳон хўжалиги алоқаларида фаол иштирок этиш орқали халқаро савдо муносабатларини такомиллаштириб боришни мақсад қилиб қўяди. Халқаро савдо муносабатларини йўлга қўйиш орқали ҳар қандай мамлакат нисбий устунликка эга бўлган товар ёки хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Халқаро савдо классик назариялари ва ўтган тарихий давр шундан далолат берадики, халқаро савдо ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг ривожланишига кенг имкониятлар очиб беради.

Америкалик иқтисодчи олим М.Портер таъкидлаб ўтганидек, халқаро савдо мамлакатларнинг нисбий устунликка эришишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиёт ривожланишининг ҳар бир босқичида давлат иқтисодиёти барча тармоқларининг экспортга ёки импорт ўрнини босишга йўналтирилган ҳолда ривожланишини белгилаб олиши муҳимдир. Асосан ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда давлат ташқи савдо сиёсати икки муҳим стратегик масалани ҳал қилишга: импорт ўнини босувчи ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратиши лозимдир.

Ташқи савдода экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш яна шу билан характерланадики, бунда экспортдан олинadиган соф даромад миқдорининг ортиб бориши, жамғариш имкониятларининг кенгайиши, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига янада кўпроқ жалб қилиш имкониятларининг кенгайишига олиб келади. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётга кенг жалб этилиши эса миллий иқтисодиётнинг тезкор суръатлар билан ривожланишига замин яратади.

Бундан ташқари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида соф рақобатни кучайтириш, экспортга йўналтирилган корхоналар иқтисодий салоҳиятини янада ошириш ва улар ташқи иқтисодий фаолиятини халқаро миқёсда кенгайтириш имконияти юзага келади. Бу эса миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги тизимига тобора чуқурроқ интеграциялашуви имконини беради. Мамлакат иқтисодиёти бундай тузилмаларнинг яратилиши истёъмол учун зарур бўлган бир қатор товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун замин ҳозирлайди.

Одатда, ресурслар иқтисодий ўсишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланувчи экспорт тармоқлари томон йўналтирилади ва қайта тақсимланади. Вақт ўтиши билан экспортиёрлар халқаро бозорларни забт этиш сирларини, технолигиялардан унумли фойдаланиш, лойиҳалаштириш, маҳсулот сифати устидан назорат ўрнатиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва менежментга тааллуқли бўлган замонавий билимларни эгаллаб борадилар.

Ташқи савдода экспортдан келадиган даромаднинг ортиб бориши турли-туман товарларга бўлган талабнинг ортишига ҳам олиб келади. Талабнинг бундай тарзда ортиб бориши таклифнинг ўсиши орқали қондирилади ва у маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарф қилинадиган инвестицияларни маълум даражада рағбатлантиради. Экспорт тизимининг ривожланиши шунингдек, ишлаб чиқариш қудратининг ўсиши ва ишсизлик муаммоларининг бартараф этилишига ҳам олиб келади.

Бундан ташқари экспорт импорт учун зарур бўлган валюта тушимларига эга бўлишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бу экспортнинг иқтисодий ўсишга тўғридан-тўғри таъсири бўлиб ҳисобланади. Ўз-ўзидан маълумки, товарларни импорт қилиш имкониятлари мамлакатдаги мавжуд экспорт имкониятларига бевосита боғлиқдир.

Экспертларнинг фикрига кўра, экспорт ва иқтисодий ўсиш ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик бўлмасдан гўёки мамлакат жамғариш ва инвестиция орқали иқтисодий ўсишга тезроқ эришиши мумкиндир.

Ташқи савдо ривожланишининг турли хил кўринишларига эга бўлган 40 дан ортиқ ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий сиёсатининг Жаҳон Банки экспертлари томонидан статистик таҳлил қилиниши шундан далолат берадики, 1960-85-йиллар мобайнида узоқ муддатга мўлжалланган импорт ўрнини босишга қаратилган жадал стратегик ривожланиш ўртача 1,6 фоиз га иқтисодий ўсишни таъминлаган бўлса, экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш стратегияси эса ўртача 6-7 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаган.

Иқтисодиёти экспортга йўналтирилган мамлакатлар узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашиш орқали катта фойда олиш имкониятларига эга бўладилар. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш масаласи барқарор иқтисодий ўсишга эришмоқчи бўлган ҳар бир давлатнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади. Агар мамлакат олдида валюта заҳираларини яратиш ҳамда маҳаллий валюта конвертациясини эркин амалга ошириш муаммоси пайдо бўлса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилиш зарурий валюта маблағларига эга бўлишнинг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади.

Экспортни ривожлантиришдан асосий мақсад – халқаро бозорларни ўзлаштириш орқали жаҳон хўжалиги тизимидан муносиб ўрин эгаллаш ва

катта фойда олишдан иборатдир. Олинадиган фойда эса ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш ва кенгайтиришга, ходимлар малакасини ошириш ва уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ҳамда зарурий инфратузилма объектларини қуришга сарфланиши лозимдир.

Экспортни ривожлантиришнинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири – бу валюта захираларини яратишдан иборат бўлиб, мазкур захиралар замонавий ускуна ва технолигияларни харид қилиш, патентлар, лицензиялар ва ноу-хауларни сотиб олиш, материаллар ва бутловчи қисмларни алмаштириш ҳамда бошқа давлатлар банкларида кредит линияларини очиш учун фойдаланилади.

Жаҳон ҳўжалиги ва бозорида тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлиш экспортиёрлар олдида муҳим бир вазифани бартараф этишни, яъни ишлаб чиқариш муносабатларини инновацияга асосланган ҳолда доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб этади. Хусусан, мазкур стратегия Япония давлатининг урушдан кейинги ривожланиш босқичида муҳим рол ўйнаган.

Бизга маълумки, Япония табиий ресурсга бой давлат эмас. Япония 100 фоиз хом-ашёни четдан импорт қилади ва уни қайта ишлаб экспортга йўналтиради. Бундан кўриниб турибдики Япониянинг иқтисодий тараққиётга эришишида фан-техника тарққиётининг ривожланганлиги ва экспорт-импорт операцияларининг самарали олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ноу-хау, янги технологиялар, материаллар ва хом-ашёларни сотиб олиш орқали ишлаб чиқариш доимий равишда замонавийлаштириб борилади. Янги технологиялар ва ускуналарни четдан харид қилиш ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг сифати юқори бўлишини таъминлайди, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради, маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширади, маҳсулот ишлаб чиқаришда материаллар

сарфини камайтиради, ёқилғи-энергетика ресурслари тежалади, маҳсулотнинг ички ва ташқи бозори кенгаяди.

Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тармоқларини шакллантириш ва ривожлантириш масаласи жаҳон ҳўжалиги тизимида бевосита боғлиқ равишда амалга оширилади. Халқаро тажриба шундан далолат берадики, дунё бозорида рақобат кураши тус олаётган бир шароитда замонавий экспортиёрлар фаолиятини у ёки бу шаклларда давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий бозор иқтисодиётининг энг муҳим қонуниятларидан бири ҳисобланади.

Бу эса экспортиёрларнинг жаҳон бозорлари конъюктурасининг доимий ўзгариб турувчи шароитларига нисбатан тезкор мослашувини таъминлайди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари фаолиятини чеклаб, чегаралаб қўйиш билан эмас, балки уларнинг жаҳон бозорларига эркин кириб боришлари билан боғлиқ фаолиятларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни долзарб масалага айлантиради. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий жиҳатлари, унинг асосий вазифалари, қоидалари ва йўналишлари ҳар бир мамлакатдаги мавжуд шарт-шароитларга бевосита боғлиқ бўлади.

Давлат ўз миллий ва бутун жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаради ва унинг иштирокчиларини рағбатлантириш ёки ташқи иқтисодий фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланувчиларга ноқулай шароит яратиш йўли билан таъсир ўтказади. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш иқтисодиётга давлат аралашувининг муайян бир кўриниши бўлиб ҳисобланади.

I боб бўйича хулоса

1. Халқаро савдо назарияларини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, унинг моҳиятини ёритиб беришга қаратилган классик қарашлар ҳам, замонавий қарашлар ҳам ташқи савдо муносабатлари ривожланиши жараёнида вужудга келадиган барча саволларга жавоб бера олмаса-да, мамлакатларнинг жаҳон бозорида ўзига хос ўрин эгаллашларини таъминловчи афзаллик жиҳатларини аниқлашга имкон беради.

2. Сўнгги йилларда фан-техника тараққиётининг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви натижасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг характери ва йўналишларида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Бутунжаҳон савдо ташкилоти маълумотларига кўра 2012 йилда жаҳон товар ва хизматлар савдоси тахминан 23 трлн. долларни ташкил этди. Агар фақат товарлар савдосини кўриб чиқадиган бўлсак, у ҳолда жаҳон савдоси 18,4 трлн. долларни ташкил этади. Айни вақтда жаҳон товар ва хизматлар савдоси 1980 йилга нисбатан 5,6 мартага ошганлигини таъкидлаш зарур.

3. Жаҳон товар ва хизматлар экспортининг жаҳон ялпи ички маҳсулотига нисбати 2012 йилда 32 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, 1990 йилларнинг бошларида бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил этар эди. 1992-2012 йиллар давомида жаҳон ялпи ички маҳсулотида экспорт квотаси 1,5 мартага ошди. Бу эса жаҳон савдоси жаҳон ишлаб чиқаришига нисбатан юқорироқ суръатларда ўсаётганлигини билдиради. Бундай тенденция натижасида эса миллий хўжаликларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси яқин йилларга нисбатан ҳам сезиларли даражада ортди.

4. Жаҳон савдосида ривожланган мамлакатлар позициясининг сусайиши ва Хитой ҳамда Осиёнинг қатор динамик ривожланаётган мамлакатлари улушининг ошиши жаҳон савдоси ривожланишининг муҳим тенденцияларидан бири ҳисобланади. Бундай тенденция натижасида 2010

йилнинг бошида жаҳон савдосида ўзига хос ҳодиса юз берди, яъни биринчи марта жаҳон савдосида ривожланаётган мамлакатларнинг улуши ривожланган мамлакатлардан юқори бўлди ва 50 фоиздан кўпроқни ташкил этди. Ваҳоланки, 1980 йилда бу мамлакатларнинг жаҳон савдосидаги улуши 33 фоизни ташкил этар эди, холос.

II БОБ. САУДИЯ АРАБИСТОНИ ТАШҚИ САВДОСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Саудия Арабистонининг ташқи савдоси динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар

XX асрнинг сўнги чорагида фан-техника тараққиёти таъсирида халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувининг чуқурлашиб бориши жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув ва халқаро ҳудудий интеграция жараёнларининг жадаллашувига олиб келди. Бунинг натижасида миллий хўжаликларнинг жаҳон бозорига боғлиқлиги кучайди ва ташқи иқтисодий фаолият иқтисодий ўсишнинг энг асосий шартларидан бирига айланди. Мана шундай шароитда ҳар бир мамлакат ўзининг иқтисодий қуввати ва нисбий афзалликларига таяниб экспорт салоҳиятини ошириб боришга ва шу орқали жаҳон хўжалик тизимида ўзига хос ва муносиб ўринни эгаллашга ҳаракат қилади.

Саудия Арабистони ҳам бундан мустасно эмас. Албатта, бу мамлакат ўзининг экспорт салоҳиятини оширишда, энг аввало, ички имкониятлари ва нисбий афзалликка эга бўлган маҳсулотларига таянадилар. Экспорт салоҳиятини ошириб бориш эса барқарор валюта тушумларини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур мамлакат ташқи савдо сиёсатининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, у энг аввало, анъанавий маҳсулотлар экспортини оширишга ва ундан тушган валюта тушумларини иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга сарфлашга ҳаракат қилмоқда. Бироқ анъанавий экспорт маҳсулотлари хом ашё бўлганлиги муносабати билан Саудия Арабистони ташқи бозор конъюнктурасига кучли боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу эса барқарор валюта тушумларини олишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Маълумки, Саудия Арабистони экспортининг асосини нефть, ташқил қилади.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, бир хил турдаги маҳсулотни катта миқдорда экспорт қилиш иқтисодий жиҳатдан ноқулай ҳисобланади, чунки бундай ҳолатда мамлакат иқтисодиёти бир турдаги маҳсулот экспортига боғланиб қолади.

2.1-жадвал

Саудия Арабистони ташқи савдоси динамикаси

	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Сальдо
2008	499,6	322,9	176,7	146,2
2009	364,7	202,6	162,1	40,5
2010	436,0	261,8	174,2	87,6
2011	574,2	376,2	198,0	178,2
2012	614,6	399,4	215,2	184,2
2013	616,9	387,6	229,3	158,3
2013 йилда 2008 йилга нисбатан, %да	123,5	120,0	129,8	108,3

Манба: worldbank.org – Жаҳон банкининг расмий сайти маълумотлари

Мазкур мамлакатлар экспорти ва импорти динамикаси уларнинг ҳом ашё бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларга таъсирчанлиги юқорилигини кўрсатади.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан олдинги – 2008 йилда Саудия Арабистони экспорти қарийб 500 млрд. долларни ташкил этган бўлиб, глобал инқироз натижасида 2009 йилда нефть нархларининг пасайиб кетиши ташқи савдо айланишини 364,7 млрд. долларга, яъни қарийб 27 фоизга қисқариб келишига олиб келди. Айниқса, экспорт ҳажми кескин қисқарди. Агар 2008 йилда Саудия Арабистони 322,9 млрд.долларлик товар ва хизматлар экспорт қилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 37,3 фоизга камайиб 202,6 млрд. долларга тенг бўлди. Шу йили импорт 8,3 фоизга камайди.

2008 йилнинг август ойидан жаҳон бозорида нефть нархларининг кескин суръатларда пасайиши Саудия Арабистонининг ташқи савдоси динамикасига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики,

2008 йилнинг август ойида нефть нархлари июль ойига нисбатан 13 фоизга пасайган бўлса, декабрь ойида яна 64 фоизга пасайди ва 41,7 АҚШ долларини ташкил этди. 2009 йилнинг дастлабки икки ойида жаҳон нефть нархларининг ўртача қиймати 39 долларга тенг бўлди.

Гарчи 2010 йилда ташқи савдо айланмаси ва экспорт ҳажми ўсган бўлса-да, 2008 йил даражасига етмади. Фақат 2011 йилга келиб жаҳон нефть бозорида нефть нархлари ошгандан сўнг инқироздан олдинги йил даражасидан ўзиб кетишга эришилди.

Умуман олганда, 2008 йилга нисбатан 2013 йилда Саудия Арабистонининг ташқи савдо айланмаси 23,5 фоизга ўсди ва қарийб 617 млрд. долларга етди. Айни вақтда экспортга нисбатан импортнинг юқориқ суръатларда ўсиши кузатилди: агар 2008 йилга нисбатан 2013 йилда Саудия экспорти 20 фоиз ўсиб, 387,6 млрд. долларга етган бўлса, импорт ҳажми бу даврда 29,3 фоизга ўсиб, 229,3 млрд долларни ташкил этди. Бунинг натижасида мамлакат ташқи савдо сальдосининг ўсиши сезиларли даражада пасайди ва 2013 йилга келиб 158,3 млрд долларга тенг бўлди.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Саудия Арабистонида экспорт ва ташқи савдо айланмасининг ўсиши нефть ишлаб чиқариш суръатларига тўғридан-тўғри боғлиқ.

2.2-жадвал

Саудия Арабистонининг 2005-2013 йиллардаги нефть қазииш микдори динамикаси

Йиллар	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Млн.тонна	466,2	459,0	439,4	459,7	407,9	407,0	452,2	470,0	500,0
Фоизда ўсиши	100,0	98,4	80,0	104,6	88,7	99,8	111,1	103,9	106,4

Манба: Joint Oil Data Initiative ва Saudi Arabia – Economic Insight, December 2014.
– Р.15. маълумотлари асосида тузилган.

Юқоридаги 2.2-жадвалдан жадвалдан кўриниб турибдики, Саудияда нефть қазииш микдорлари жаҳонда юзага келаётган бир қатор сиёсий ва

иқтисодий омилларга боғлиқ. 2009-2010 йилларда нефть қазиш миқдорларининг камайишига сабаб 2008 йилнинг сўнггида жаҳон хўжалигида юзага келган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳисобланади. 2011 йилда эса Ливиядаги фуқаролар урушига кўра Ливияда нефть қазиш ишлари вақтинча тўхтаганлиги сабабли ОПЕК томонидан Саудия Арабистони учун нефть қазиш квотаси оширилган. 2012 йилда ҳам худди шундай сиёсий омил унга қўшни бўлган Эрон мамлакати билан ҳам содир бўлган эди.

Масалан, 2012 йилнинг 24 январиди, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг Эрон нефть экспортининг жаҳон бозорида сотилишига “иқтисодий санкция” берилганлиги сабабли, Эроннинг жаҳон бозоридаги нефть улуши экспортини Саудия Арабистони ўз зиммасига олишини билдириб ўтган эди. Шунинг учун ҳам агарда Эроннинг сиёсий инқирози 2012 йилда ҳам давом этадиган бўлса, у ҳолда ОПЕК томонидан 2012 йилнинг июль ойида Саудия Арабистони нефть хомашёсини қазиш ва уни экспортини 2011 йилга нисбатан 14 фоизга оширилишини эълон қилган эди²⁵.

Бироқ аввалига Саудия Арабистони Подшоҳлиги Нефть ва минерал ресурслари Вазири А.Наими 2012 йилнинг 16 мартида расмий баёнот бериб, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари томонидан Эронга нисбатан қўланиладиган иқтисодий жазо, яъни “нефть импорти эмбарго”си туфайли Саудия бир вақтнинг ўзида кунига 3млн.баррель миқдорда нефть қазиш ҳажмини ишлаб чиқариш қувватига ва Эроннинг квотасини қоплаш имкониятга эга эмаслигини таъкидлаб ўтган эди.²⁶

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Саудия яқин ва ўрта истиқбол йилларда жаҳонда нефть ишлаб чиқариш бўйича етакчиликни қўлдан бой бермайди. Негаки, кейинги 23 йил мобайнида нефть конларини излаб

²⁵ <http://iformatsiya.ru>

²⁶ Касаев Э.О. “О нефтегазовом секторе Саудовской Аравии”. – М.: ИВ. 2012 (<http://iimes.ru>).

топиш ва ўзлаштириш соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нефть қазиб олиш миқдори 3,0 маротабага ўсган бўлса-да, унинг захиралари камаймади, аксинча, 1985-2012 йилларда 58,2 фоизга кўпайди ва кейинги 10 йил давомида деярли барқарор даражада сақланиб турибди.²⁷

Нефть захира ресурсларини ҳисобга олганда Саудияда нефть қазиб олишни ярим йилда 30-35 фоизга ошириб, 1 кунда ўрта ҳисобда 15 млн.баррелгача нефть қазиб чиқариш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Нефть ва минерал ресурслари вазирлиги мутахассисларининг таҳлилларига кўра, 2030 йилга бориб мамлакат ҳудудларида нефть қазииш хажми кунига 18,2 млн. баррелгача етиши кўзда тутилган. “The Saudi-British Bank” (SABB)нинг бош иқтисодчиси доктор Жон Сфакианакиснинг фикрига кўра, агар нефть қазииш фаолияти шу тариқа давом этса, Саудия келажак йилларда фақат нефть савдосидан кунига 500 млн. АҚШ доллари миқдорида даромад кўриши мумкин.²⁸

Иқтисодий тарихдан маълумки, 1930 йилда Саудия Арабистони ҳудудида энг биринчи нефть кони топилган бўлса, уни қазииш хажмлари йилдан-йилга жуда юқори миқдорларда кўпайиб бормоқда. Масалан, 1938 йилда 0,5 млн.баррель қазилган бўлса, 1970 йилга келиб 2772,7 млн. баррелга, 2010 йилда 10 млн.баррелга ва 2013 йилда қарийб 15 млн.баррелга етди.²⁹

Бугунги кунда Саудия ҳудудида 106 та нефть ва газ конлари очилган бўлиб, шундан 8 таси деярли 50 фоиз нефть-газ хомашёларини қазиишда йирик конлар ҳисобланади. Ушбу энг йирик нефть-газ конлари мамлакатнинг шарқида Форс кўрфази қирғоқбўйи ҳудудларида жойлашган. Нефть қазиишда энг йирик «Гавар» нефть конида йилига 250

²⁷ Касаев Э.О. “О нефтегазовом секторе Саудовской Аравии”. – М.: ИВ. 2012 (<http://iimes.ru>).

²⁸ SABB

²⁹ <http://ru.wikipedia.org/wiki/>

миллион тоннагача нефть хомашёси қазиб чиқарилади. Бундан ташқари, «Сафанийя» (йилига 64 млн т.), «Хурайс» (йилига 60 млн.т.), «Шейба» (йилига 37 млн.т.), «Манифа» (йилига 44,8 млн.т), «Нуайим» (йилига 5 млн. т.) ва бошқа конлар ташкил қилади.³⁰

Мамлакатнинг нефть-газ саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 87 фоизи нефть маҳсулоти бўлса, қолган 13 фоизи табиий газдир. Бундан кейинги истиқбол йилларда ҳам нефть-газ саноатида асосий маҳсулот нефть хомашёси бўлишига шубҳа йўқ, албатта.

Нефтни экспорт қилишда деярли 100 фоиз денгиз транспортдан фойдланилади, чунки сув йўллари транспорти жаҳон транспортлари тизимида энг арзон ва Саудия учун қулайдир. Saudi Aramco корпорациясига тегишли бўлган “Vela International Marine” компанияси жаҳон флотида энг кўп супертанкерларга эга бўлган жуда йирик компания ҳисобланади. Барча супертанкерлар Япония ва Жанубий Кореяга қарашли бўлган кема қуриш компаниялари томонидан махсус буюртма асосида қурилгандир.

Саудия ташқи савдосининг бир томонлама хусусиятга эга эканлиги ва унинг жаҳон хом ашё бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларга боғлиқ эканлиги бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Хусусан:

- хом ашё маҳсулотлари қийматида тайёр маҳсулотларга нисбатан кўшилган қиймат салмоғи паст бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашни таъминлашга иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган товарлар таркибида тайёр маҳсулотлар улушини ошириш орқалигина эришиш мумкин;

- жаҳон хом ашё маҳсулотлари бозори конъюнктураси тайёр маҳсулотлар бозоридан фарқли ўлароқ нобарқарор ва унда тебранишлар

³⁰ EIA – Saudi Arabia, January 2011. P. 2.

даражаси юқори ҳисобланади. Бунинг энг асосий сабаби шундаки, хом ашё маҳсулотларининг нарх ва даромадлар бўйича талаб эластиклиги паст. Шу сабабли бу ҳолат макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин;

- хом ашёга асосланган экспорт таркибининг яна бир салбий жиҳати шундан иборатки, жаҳон бозорида хом ашёга бўлган нархлар юқори бўлган шароитда хом ашё экспорт қилувчи мамлакатларда миллий валюта алмашув курсининг қимматлашуви юз беради. Бу эса миллий қайта ишловчи корхоналар рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келади ва инфляция даражаси ошади. Шу муносабат билан Саудия Арабистони ушбу муаммога барҳам бериш мақсадида барқарорлаштириш фондини барпо этиш йўлидан бормоқда. Бу фондлар мамлакатга кириб келаётган “ортиқча” валюталарни жамлаш ва давлат харажат дастурларининг барқарорлигини таъминлаш имконини беради;

- жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, экспорт таркибида хом ашё маҳсулотлари катта улушга эга бўлган мамлакатларда аҳолининг табақалашув даражаси юқори бўлиши кузатилади. Мутахассислар фикрича, мамлакатнинг энг бой 10 фоиз аҳолиси даромадларининг энг қашшоқ 10 фоиз аҳоли даромадларига нисбати 7 мартадан юқори бўлса, мамлакатдаги ижтимоий муҳит салбий томонга ўзгариши юз беради. Бугунги кунда Саудия Арабистонида бу кўрсаткич 16 баробарни ташкил этади.

2.2. Саудия Арабистони ташқи савдоси ривожланишининг тармоқ хусусиятлари

Ташқи савдо самарадорлигини ошириш, экспорт таркибини диверсификациялаш ва импорт таркибини такомиллаштириш орқали жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашиш Саудия Арабистони ташқи

иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан ҳисобланиб, бу энг аввало, шу билан изоҳланадики, мамлакат ташқи савдосининг ҳозирги ҳолати товар ва хизматлар экспортидан барқарор валюта тушумлари олиш имкониятини бермайди.

Экспорт таркибининг бир ёқламалиги, унда ҳам ашё товарларининг устувор ўринга эга эканлиги, экспортга чиқарилаётган товарлар ассортиментининг торлиги мамлакатлар иқтисодиётини жаҳон бозорларидаги конъюнктуравий ўзгаришларга боғлиқ қилиб қўймоқда. Шу сабабли Саудия Арабистони ҳукумати ташқи савдо таркибини такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, ташқи савдо таркибини диверсификациялаш икки йўналишда амалга оширилади: биринчидан, ташқи савдонинг тармоқ таркибини диверсификациялаш, иккинчидан, унинг географик таркибини такомиллаштириш.

Ташқи савдонинг товар таркибини диверсификациялаш экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улушини ошириб бориш ва ҳам ашё улушини пасайтиришга, шунингдек, импорт таркибини оптималлаштиришга қаратилмоғи лозим (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

**Саудия Арабистони экспорт таркибининг ўзгариши, (%
ҳисобида)**

Экспорт таркиби	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	0	0	0	0	0	0
Озиқ-овқат маҳсулотлари	0	1	1	1	1	1
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	91	81	87	89	88	87
Қайта ишлаш маҳсулотлари	6	8	11	9	10	11
Қора ва рангли металллар	0,1	0,1	0,2	0,1	0,1	0,4
Бошқалар	2,9	9,9	0,8	0,9	0,9	0,6

Манба: worldbank.org – Жаҳон банкининг расмий сайти маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Саудия Арабистони экспортининг асосий қисмини ёқилғи ва нефть маҳсулотлари ташкил этиб, унинг жами экспортдаги улуши деярли ўзгармасдан келмоқда. Агар 2008 йилда Саудия Арабистони жами экспортининг 91 фоизи ёқилғи ва нефть маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2013 йилга келиб унинг улуши бирмунча пасайди ва 87 фоизга тенг бўлди.

Бундай пасайиш қайта ишлаш маҳсулотлари улушининг ошиши эвазига юз берди. Экспортнинг бу моддаси улуши 2008 йилда 6 фоиздан 2013 йилда 11 фоизгача ошди. Бу маҳсулотлар асосан нефть кимёси саноатида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлардир.

Нефтдан ташқари экспорт жами экспортнинг 14 фоизини ташкил этиб 2013 йилда ўсиш суръати 6 фоизга тенг бўлди. 2012 йилда бу кўрсаткич 8,4 фоизга тенг бўлган эди. Нефтдан ташқари экспорт даражасининг пасайишига сабаб унинг таркибидаги кимё маҳсулотларини даражаси деярли ўзгармаганлиги ҳисобланади. Хусусан, 2012 йилда кимё маҳсулотлари экспортининг қўшимча ўсиш суръати 9,3 фоизга тенг бўлган бўлса, 2013 йилда ўсиш суръати сезиларли даражада пасайди ва 2,6 фоизни ташкил қилди. Шунингдек, озик-овқат маҳсулотлари экспортида 2013 йилда 1,7 фоизлик салбий ўсиш қайд этилди. Ваҳоланки, 2012 йилда бу кўрсаткич 2,0 фоизни ташкил этган эди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Саудия Арабистони ҳукумати миллий иқтисодиётда чуқур қайта ишлашга қаратилган иқтисодий сиёсатни амалга оширмоқда. Бу сиёсатнинг асосий мақсади Саудия Арабистонининг жаҳон ҳўжалик тизимига хом ашё етказиб берувчи сифатида эмас, балки ишлаб чиқариш ва экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши юқори бўлган мамлакат сифатида интеграциялашувини таъминлашдин иборат.

Ушбу мақсадга эришишда импорт таркибини оптималлаштириш масаласи муҳим ўрин тутди Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики,

XX асрнинг 60-йилларида ривожланган мамлакатларда жами импорт килинган маҳсулотларнинг 31,1 фоизи озиқ-овқат, хом ашё ва ёқилғи, 67,5 фоизи тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда 13,7 ва 82,4 фоизни ташкил этди³¹.

Бундай тенденциянинг шаклланиши, жаҳон хўжалик тизимида юз бераётган ўзгаришлар билан изоҳланади. Ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви ва глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиши саноатлашган мамлакатларни товарлар экспортига нисбатан капитал экспортини жадал суръатларда ривожлантиришга мажбур қилди. Ривожланаётган мамлакатларда ишчи кучининг арзонлиги ва ишлаб чиқаришни хом ашё манбаларига яқинлаштириш зарурияти кўплаб ишлаб чиқариш турларининг бу мамлакатларда ташкил этилишига олиб келди. Натижада, ривожланган мамлакатлар импорти таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улуши ўсди.

Бундан ташқари трансмиллий корпорациялар (ТМК)нинг жаҳон хўжалигидаги роли ошди. Саноати ривожланган давлатларда, айнан, ТМКларнинг хориждаги фаолияти мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари мазмуни ва йўналишини белгилаб беради. БМТ маълумотларига кўра, жаҳонда 37 мингдан зиёд ТМКлар фаолият кўрсатмоқда. Бу компаниялар ҳар йили 5 трлн. доллардан кўпроқ инвестицияларни амалга оширадилар. Ушба компанияларнинг экспорти ҳажми 3,7 трлн. долларга тенг³². Ривожланган мамлакатлар ташқи савдосида ТМКларнинг хориждаги ўз филиаллари билан товар алмашинуви катта улушга эга. XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмида ички фирма савдоси АҚШ ташқи савдосининг 14-20 фоизини, Япония ташқи савдосининг 23-29 фоизини ва

³¹Мировая торговля: статистическо-энциклопедический словарь. И.Н.Устинов – М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2011. – с.139.

³²Либман А., Хейфец Б. Корпоративная модель региональной экономической интеграции. //Мировая экономика и международные отношения, 2007. №3. – с.15

ГФР ташқи савдосининг 24-28 фоизини қамраб олди³³. Албатта, бу ҳолат ривожланган мамлакатлар импорти таркибига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Ривожланган мамлакатлар импорти таркибида ҳам ашё ресурслари улушининг пасайишига олиб келган омилларга мазкур мамлакатларда меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида ўз-ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасининг ортганлиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қўйилган протекционистик тўсиқларни киритиш мумкин. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ва миллий қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ривожланган мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол товарларига юқори бож тўловлари белгиланган. Бунинг натижасида озиқ-овқат маҳсулотларининг жами импортдаги улуши 1960 йилда 13,9 фоиздан 2010 йилда 7,1 фоизгача пасайган³⁴.

2.4-жадвал

Саудия Арабистони импорт таркибининг ўзгариши, (% хисобида)

Импорт таркиби	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	0	0	1	1	1	1
Озиқ-овқат маҳсулотлари	11	11	16	15	14	15
Ёқилғи ва нефт маҳсулотлари	0	0	0	0	0	1
Қайта ишлаш маҳсулотлари	36	36	77	77	78	79
Қора ва рангли металллар	4	3	5	5	5	4
Бошқалар	46	50	1	2	0	0

Манба: worldbank.org – Жаҳон банкининг расмий сайти маълумотлари

2.4-жадвал маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, сўнгги йилларда Саудия Арабистони импортида бир қатор ўзгаришлар юз берди.

³³ UNCTAD. World Investment Report 2010 .18

³⁴Мировая торговля: статистическо-энциклопедический словарь. И.Н.Устинов – М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2011. – с.139.

Бу ўзгаришлардан энг асосийси шундан иборатки, мамлакат импортининг таркибида қайта ишлаш маҳсулотлари, энг аввало, машина ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа шу каби товарлар улуши 2008-2013 йиллар давомида 36 фоиздан 79 фоизгача ўсди.

Бу ҳолат мамлакат ҳукумати томонидан амалга оширилаётган модернизация ва диверсификациялаш стратегиясига мувофиқ келади, чунки фақат замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш орқалигина миллий иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мумкин.

Саудия Арабистони импорти таркибида юз берган яна бир муҳим ўзгариш шундан иборатки, унинг таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 2008 йилда 11 фоиздан 2013 йилда 15 фоизгача ошганлигидир. Бунинг албатта объектив сабаблари ҳам мавжуд. Мамлакатнинг катта қисми чўллардан иборат бўлганлиги сабабли бу ерда деҳқончилик юритиш азалдан қийин бўлган. Импортнинг бошқа моддаларида деярли ўзгариш бўлмаган.


Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва экспортни диверсификациялаш соҳасида эришилган натижаларга қарамасдан ҳозирги пайтда ҳал этилиши лозим бўлган қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг муваффақиятли ҳал этилиши Саудия Арабистони ташқи савдо алоқаларини ривожлантиришга ҳамда жаҳон хўжалик тизимига самарали интеграциялашувига ижобий таъсир кўрсатади.

Бу муаммолар орасида энг долзарби шундан иборатки, Саудия Арабистони экспортида ҳозиргача хом ашё товарлари устувор ўринга эга бўлиб қолмоқда. Бу эса мамлакат иқтисодий салоҳиятига ва жадал иқтисодий ўсиш суръатларига мувофиқ келмайди, мамлакат иқтисодиётини жаҳон хом ашё маҳсулотлари бозорларидаги конъюнктуравий ўзгаришларга боғлиқ қилиб қўяди, халқаро меҳнат тақисмотида хом ашё ишлаб чиқарувчи сифатида қатнашувини

таъминлайди. Шу муносабат билан Саудия Арабистони ҳукумати олдида турган энг муҳим вазифа экспорт ва импорт таркибини такомиллаштириш, экспорт таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори товарлар улушини оширишга қаратилган чуқур ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобланади.

2.3. Саудия Арабистони ташқи савдосининг географик таркиби ва ундаги ўзгаришлар йўналишлари

Саудия Арабистонининг географик нуқтаи назардан қулай жойлашганлиги жаҳоннинг барча китъалари билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш имконини берса-да, асосий савдо ҳамкорлари ривожланган мамлакатлар ҳисобланади. Бу албатта, табиий ҳол, чунки иқтисодиётда модернизация жараёнлари амалга оширилаётган шароитда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодиётида ўзига хос ўрин эгаллаш кўп жиҳатдан янги техника ва технологияларнинг ишлаб чиқаришга кенг миқёсда жалб этишга, илғор бошқарув усулларини хўжаликлар фаолиятига татбиқ этишга боғлиқ. Бундай ускуналар ва бошқарув тажрибасини фақат ривожланган мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш орқали ўзлаштириш мумкин (2.1-расм).




2.1-расм. Саудия Арабистони экспортидаги асосий ҳамкор мамлакатлар улуши (фоизда)

Манба: <http://factbook/econ/saudi>

2.1-расмдан кўриниб турибдики, Саудия Арабистони экспорти 2013 йилда 387,6 млрд.АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг экспортдаги асосий ҳамкорлари: Япония - 15,3 фоиз; Жанубий Корея - 12,7 фоиз; АҚШ - 12,2 фоиз; Хитой - 10,4 фоиз; Ҳиндистон - 7,1 фоиз; Тайвань - 4,6 фоиз, Германия - 4,3 фоиз; Буюк Британия - 4,2 фоизни ва бошқалар - 29,2 фоизни ташкил қилади.

Саудия Арабистони импорт маҳсулотларини машина ва асбоб-ускуна, баъзи тайёр нефть маҳсулотлари, кора ва рангли металл, озиқ-овқат, кимё маҳсулотлари, электрон маҳсулотлар (телевизорлар, компьютерлар ва турли электрон маҳсулотлар), автомобиллар, кемалар, автобуслар, самолётлар, тўқимачилик маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларни ташкил қилади.



2.2-расм Саудия Арабистони импортидаги асосий ҳамкор мамлакатлар улуши (фоизда)

Манба: <http://factbook/econ/saudi>

Шунингдек, Саудия Арабистони импорти 2013 йилда 229,3 млрд.АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг импортидаги асосий ҳамкорлари: АҚШ – 12,3 фоиз; Хитой - 12,1 фоиз; Германия – 7,7 фоиз;

Япония – 6,2 фоиз; Жанубий Корея – 5,3 фоиз; Ҳиндистон – 5,0 фоиз, Буюк Британия - 4,1 фоиз; Франция – 4,0 фоизни ва бошқаларни ташкил қилади.

Саудия Арабистонининг ривожланган мамлакатларидан импорт қилинаётган маҳсулотлари таркибига эса, асосан машина ва асбоб-ускуна, аҳоли истеъмоли маҳсулотлари, озиқ-овқат, кимё маҳсулотлари, электрон маҳсулотлар (телевизорлар, компьютерлар ва турли электрон маҳсулотлар), автомобиллар, автобуслар, самолётлар кабилар киради.

Икки томон ўртасидаги экспорт-импорт товарлар рўйхатини таҳлил қилинганда, Саудия Арабистонининг ривожланган мамлакатларига асосий экспорт товарлар таркибида нефть хомашёси муҳим аҳамият касб этади.

2.5-жадвал

Саудия Арабистонининг ривожланган мамлакатлардан импорт маҳсулотлари таркиби ва унинг географик йўналишлари

№	Саудия Арабистонига экспортёр мамлакатлар	Импорт маҳсулотлари таркиби
1.	Германия	телевизорлар, автомобиллар, самолёт учун эҳтиёт қисмлари, кондиционер, музлатгичлар, тирик чорвалар, банк-молия;
2.	Италия	автомобиллар, табиий пойафзал, турли қурилиш материаллари, оқ мраморлар, соklar ва турли ичимликлар, балиқ маҳсулотлари;
3.	Испания	озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавотлар, совуқ ичимликлар, асал;
4.	Буюк Британия	асбоб-ускуналар, тўқимачилик ва майда электрон маҳсулотлар, банк-молия;
5.	Франция	самолётлар, автомобиллар, медицина препаратлари, асбоб-ускуналар, кир ювадиган машиналар ва баъзи канцелярия маҳсулотлари, банк-молия;
6.	Австрия	мебел ва уй жиҳозлари;
7.	Голландия	тирик чорвалар, пишлоқ ва сут маҳсулотлари, рангли металллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари;
8.	Бельгия	алюминий ва ундан ясалган маҳсулотлар.

Манба: <http://factbook/econ/saudi>

Шунингдек, Саудия Арабистонининг Ғарбий Европа мамлакатлари билан экспорт-импорти жараёнлари таҳлил қилинганда, Ғарбий Европанинг бир қатор мамлакатлари, жумладан, Португалия, Ирландия, Шимолий Ирландия, Дания, Люксембург ва Швейцария каби мамлакатларнинг улуши жуда кам миқдорни ташкил қилади.

Демак, юқори жадваллардан кўриниб турибдики, Саудия Арабистонининг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро товарайирбошлашда, хусусан ҳам экспорт ва ҳам импортдаги энг асосий ҳамкор мамлакат – бу Германиядир. Қуйида 2.5-жадвал орқали Саудия Арабистонининг Германия билан ўзаро экспорт-импорт жараёнидаги маҳсулотлар таркибини таҳлил қилиб чиқамиз.

2.5-жадвал

**Саудия Арабистонининг Германияга экспорти
ва унинг таркиби**

Экспорт маҳсулотлари таркиби	Миқдори (млрд.долл)	фоизда
Ёқилғи-энегетика (нефть-газ) ва унинг маҳсулотлари	6,53	72,6
Хизмат кўрсатиш (банк-молия)	0,45	5,0
Қишлоқ хўжалиги ва санот маҳсулотлари	0,31	3,4
Хизмат кўрсатиш (транспорт)	0,26	2,9
Кимё маҳсулотлари	0,20	2,2
Табиий ичимликлар	0,12	1,3
Ўсимлик маҳсулотлари	0,07	0,8
Хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳалари	0,32	3,6
Бошқа маҳсулотлари	0,74	8,2
Жами маҳсулотлар миқдори	9,0 млрд.	100 фоиз

Манба: EUROSTAT (Comext, Statistical regime 4).

Юқоридаги 2.4-жадвалдан кўриниб турибдики Саудиянинг Германияга экспортида асосий маҳсулотлар таркибида нефть хомашёси энг асосий экспорт маҳсулоти сифатида ўрин олган.

Халқаро экспертчи мутахассисларнинг фикрига кўра, Саудия Арабистоннинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан ўзаро ташқи савдо миқдорлари 2012 йилнинг иккинчи ярмидан янада ошиши мукин. Бунинг асосий омили сифатида, 2012 йилнинг 24 январиди, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг Эрон нефт экспортининг жаҳон бозорида сотилишига “иқтисодий санкция” берилганлиги сабабли, Эроннинг жаҳон бозоридаги нефт улуши экспортини Саудия Арабистони ўз зиммасига олишини билдириб ўтган. Таъкидлаб ўтиш лозимки, агарда Эроннинг сиёсий инқироzi 2012 йилда ҳам давом этадиган бўлса, у ҳолда 2012 йилнинг июль ойига борганда Саудия Арабистони нефть хомашёсини қазииш ва уни экспортини 2011 йилга нисбатан 14 фоизга оширилиши истикболи мавжуд.³⁵

Шунинг учун ҳам, Саудия Арабистони мамлакати ҳукуматининг миллий экспортни ривожлантириш сиёсатини олиб боришида унинг устиворлиги шундан иборатки, ташқи савдо-сотиқни ривожлантиришда аниқ дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда уларни тежамкорлик асосида қазиб чиқариш ва хорижга экспорт қилишнинг геогрфик йўналишлари бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Демак, Саудия Арабистонининг жаҳон нефть бозоридаги иштироки, нефт хомашёси орқали экспортга йўналтирилган сиёсатни, яъни хориж тажрибаларининг маълум жиҳатларини қўллаш, жумладан, ташқи савдо-сотиқ жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ва фойдали ривожланиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, янада батафсилроқ кўриб чиқиш ва чуқур таҳлил қилиш ривожланаётган давлатлар учун жуда муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Саудия Арабистони экспорт-импортининг географик йўналишининг таҳлили шуни кўрсатмоқда-ки,

³⁵ www.vesti.ru

унинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан ўзаро ташқи савдо муносабатларида деярли 70 фоиз улуши асосан Европа Иттифоқининг 4 мамлакатига, яъни Буюк Британия, Германия, Франция ва Италия мамлакатларига тўғри келади. Бундан ташқари, Испания, Австрия, Голландия, Бельгия каби мамлакатлар ҳам унинг экспорт-импортидаги ҳамкор мамлакатлар қаторидаги географик йўналишларидан жой олган.

2-боб бўйича хулосалар

Саудия Арабистонида ташқи савдо ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлилидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Саудия Арабистони ташқи савдо сиёсатининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, у энг аввало, анъанавий маҳсулотлар экспортини оширишга ва ундан тушган валюта тушумларини иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга сарфлашга ҳаракат қилмоқда. Бироқ анъанавий экспорт маҳсулотлари хомашё (углеводород ресурслари) бўлганлиги муносабати билан Саудия Арабистони ташқи бозор конъюнктурасига кучли боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу эса барқарор валюта тушумларини олишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан олдинги – 2008 йилда Саудия Арабистони экспорти қарийб 500 млрд. долларни ташкил этган бўлиб, глобал инқироз натижасида 2009 йилда нефть нархларининг пасайиб кетиши ташқи савдо айланмасини 364,7 млрд. долларга, яъни қарийб 27 фоизга қисқариб келишига олиб келди. Айниқса, экспорт ҳажми кескин қисқарди. Агар 2008 йилда Саудия Арабистони 322,9 млрд.долларлик товар ва хизматлар экспорт қилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 37,3 фоизга камайиб 202,6 млрд. долларга тенг бўлди. Шу йили импорт 8,3 фоизга камайди.

3. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2008-2013 йиллар давомида Саудия Арабистонининг ташқи савдо айланмаси 23,5 фоизга ўсди ва қарийб 617 млрд. долларга етди. Айтилиши вақтда экспортга нисбатан импортнинг юқорида суръатларда ўсиши кузатилди: агар 2008 йилга нисбатан 2013 йилда Саудия экспорти 20 фоиз ўсиб, 387,6 млрд. долларга етган бўлса, импорт ҳажми бу даврда 29,3 фоизга ўсиб, 229,3 млрд долларни ташкил этди. Бунинг натижасида мамлакат ташқи савдо сальдосининг ўсиши сезиларли даражада пасайди ва 2013 йилга келиб 158,3 млрд долларга тенг бўлди.

4. Саудия Арабистони экспортининг асосий қисмини ёқилғи ва нефть маҳсулотлари ташкил этиб, унинг жами экспортдаги улуши деярли ўзгармасдан келмоқда. Агар 2008 йилда Саудия Арабистони жами экспортининг 91 фоизи ёқилғи ва нефть маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2013 йилга келиб унинг улуши бирмунча пасайди ва 87 фоизга тенг бўлди.

5. Сўнгги йилларда Саудия Арабистони импортида бир қатор ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлардан энг асосийси шундан иборатки, мамлакат импортининг таркибида қайта ишлаш маҳсулотлари, энг аввало, машина ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа шу каби товарлар улуши 2008-2013 йиллар давомида 36 фоиздан 79 фоизгача ўсди.

6. Саудия Арабистони импорти таркибида юз берган яна бир муҳим ўзгариш шундан иборатки, унинг таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 2008 йилда 11 фоиздан 2013 йилда 15 фоизгача ошганлигидир. Бунинг албатта объектив сабаблари ҳам мавжуд. Мамлакатнинг катта қисми чўллардан иборат бўлганлиги сабабли бу ерда деҳқончилик юритиш азалдан қийин бўлган. Импортнинг бошқа моддаларида деярли ўзгариш бўлмаган.

7. Саудия Арабистони экспорти 2013 йилда 387,6 млрд.АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг экспортдаги асосий ҳамкорлари: Япония -

15,3 фоиз; Жанубий Корея - 12,7 фоиз; АҚШ - 12,2 фоиз; Хитой - 10,4 фоиз; Ҳиндистон - 7,1 фоиз; Тайвань - 4,6 фоиз, Германия - 4,3 фоиз; Буюк Британия - 4,2 фоизни ва бошқалар - 29,2 фоизни ташкил қилади.

8. Саудия Арабистони импорти 2013 йилда 229,3 млрд.АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг импортидаги асосий ҳамкорлари: АҚШ – 12,3 фоиз; Хитой - 12,1 фоиз; Германия – 7,7 фоиз; Япония – 6,2 фоиз; Жанубий Корея – 5,3 фоиз; Ҳиндистон – 5,0 фоиз, Буюк Британия - 4,1 фоиз; Франция – 4,0 фоизни ва бошқаларни ташкил қилади

III БОБ. ТАШҚИ САВДО ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА САУДИЯ ТАЖРИБАСИДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ

3.1. Ўзбекистон ташқи савдоси динамикаси ва таркиби

Жаҳон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тажрибаси шундан далолат берадики, ривожланаётган давлатлар иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга эришишлари мумкин. Бунда ташқи иқтисодий сиёсат муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг энг асосий сабаби шундан иборатки, фан-техника тараққиёти натижасида жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув ва хўжалик фаолиятининг байналмилаллашуви жараёнлари кучаймоқда. Натижада ташқи иқтисодий фаолият миллий хўжаликнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Шундай шароитда муайян мақсадга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият юритиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач, жаҳон хўжалик тизимида интеграциялашиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қарата бошлади ва бу соҳада қатор муваффақиятларга эришди. Ана шундай муваффақиятлардан бири Ўзбекистоннинг кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида кенг иштирок этаётганлиги билан боғлиқ.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ республикаимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро Молия Корпорацияси, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди.


Бундан ташқари иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча атрибутлари янгидан ташкил этилди. Хусусан, иқтисодий ислохотларнинг бошларида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди ва у кейинчалик Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига айлантирилди. Бугунги кунда эса у Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий Банкига асос солинди, шунингдек, бошқа ташқи иқтисодий алоқалар идоралари шакллантирилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этиш бўйича қатор муваффақиятларга эришилганини таъкидлаш лозим. Хусусан, ислохотлар йилларида “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги (2000 йилда янги таҳрирдаги), “Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги, “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги “Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бир қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу қонуний ҳужжатларда ташқи иқтисодий фаолият юритишнинг асосий қоидалари ва тамойиллари, унинг субъектлари ва объектлари, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг қонуний асослари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топган.

Республикаимиз ўз экспорт салоҳиятини оширишда ички имкониятлари ва қиёсий афзалликка эга бўлган маҳсулотларига таянади. Экспорт салоҳиятини ошириб бориш эса барқарор валюта тушумларини таъминлашга, жаҳон хўжалик тизимида ўзига хос ўрин эгаллашга ижобий таъсир кўрсатади. Мамлакатимиз ташқи савдо сиёсатининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, унда аввало анъанавий маҳсулотлар экспортини оширишга ва ундан тушган валюта тушумларини ишлаб

чиқаришнинг бошқа соҳаларига сарфлашга ва шу орқали экспорт таркибини диверсификациялаш ва иқтисодиётнинг бир томонлама, хом ашёга асосланганлигига барҳам беришга, ҳаракат қилинмоқда. Аммо анъанавий экспорт маҳсулотлари хом ашё бўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон иқтисодиёти ташқи бозор конъюнктурасига кучли боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу эса барқарор валюта тушумларига эга бўлишга салбий таъсир кўрсатаёпти.

Маълумки, Ўзбекистон экспортининг асосини пахта толаси, олтин, рангли металллар ва энергия манбалари ташкил этади. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, бир хил турдаги маҳсулотни катта миқдорда экспорт қилиш иқтисодий жиҳатдан ноқулай ҳисобланади, чунки бундай ҳолатда мамлакат иқтисодиёти бир хил турдаги маҳсулот экспортига боғланиб қолади (3.1-расм).



**3.1-расм. Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси динамикаси
(млн АҚШ доллари)**

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Кўриниб турибдики, 2000-2013 йилларда Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси 4,65 мартага, экспорт ҳажми 4,62 мартага ошган. Ушбу давр

оралиғида мамлакатда экспорт ҳажми гоҳ юқори суръатларда ўсган, гоҳ пасайган. Хусусан, 1994-1996 йилларда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси юқори суръатларда ривожланган: ташқи савдо айланмаси 75,8 фоизга, шу жумладан, экспорт ҳажми 70,6 фоизга, импорт – 80,9 фоизга ўсган.

2002 йилдан бошлаб мамлакатимиз ташқи савдо айланмасида ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бунда 2002-2008 йилларда асосий хом ашё товарларига бўлган жаҳон нархларининг ўсиши катта роль ўйнади.

3.1-жадвал

Ўзбекистонинг асосий экспорт товарларига бўлган нархларнинг ўзгариши, тонна/доллар

	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2007 йилда 2001 йилга нисбатан, % да
Мис, тонна, доллар	1578	1559	1779	2865	3679	6743	6646	4,2 марта
Никель, тонна, доллар	5948	6775	9633	13827	14744	24265	3723 0	6,2 марта
Нефть (баррель/доллар, Brent)	24,4	25,0	28,5	37,8	55,1	66,0	72,7	3 марта
Олтин (унция/доллар)	265	282	361,8	409,2	440,63	598,8	696,6	1,9 марта
Пахта толаси, тонна, доллар	924	1232	1518	1188	1254	1342	1584	1,7 марта
Табиий газ (минг куб м./доллар)	152, 2	126,9	161,4	167,2	230,3	321,6	354,1	2,3 марта

Манба: www.kitco.com, www.gold.org, www.iea.com,
www.minerals.usgs.com, www.cotlook.com/

Олтин нархларининг ўсиши 2002 йилдаёқ бошланган эди. Ҳаттоки, таҳлилчилар бу йилни “олтин йили” деб ҳам атадилар. Мазкур йил давомида унинг нархи 30 фоизга ўсди. Бу ўсиш жараёни давом этди ва 2008 йил 1 март ҳолатига кўра жаҳон бозорида 1 унция олтиннинг нархи 1007 долларга етди.

Нефть бозорида ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кузатишимиз мумкин. Хусусан, 2003-2007 йиллар оралиғида Brent типидagi нефтнинг нархи 154,6 фоизга кўтарилган бўлса, WTI типидagi нефтнинг нархи ҳам 130,6 фоизга кўтарилган. 2008 йил 1 январ ҳолатига кўра Brent типидagi нефтнинг 1 баррели жаҳон бозорида 91,99 долларга баҳоланган бўлса, WTI типидagi нефтнинг 1 баррели 92,87 долларга баҳоланди.


Таҳлилчилар айтишича, бундай ўсишга жаҳонда углеводород ҳом ашёсига бўлган талабнинг ортиши, нефтни казиб олиш ва нефтни қайта ишлаш ҳажми камайганлиги, нефть экспорт қилувчи давлатлардаги ноқулай сиёсий вазият (Венесуэла, Нигерия, Ирок, Эрон) сабаб бўлмоқда.

Бу каби нархларнинг ўсиши мис бозорида ҳам қайд этилди. Хусусан, 2003-2007 йиллар давомида жаҳон бозорида миснинг нархи 300,36 фоизга ўсди. 2008 йил 1 январ ҳолатига кўра 1 тонна миснинг нархи 7061,02 фоизга баҳоланди.

2003 йилда Ўзбекистон пахта экспортида асосий ўрин тутувчи пахта толасининг нархлари ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлди. Айниқса, 2003 йилнинг кузидан бошлаб пахта толасининг нархи юқори суръатларда ўса бошлади. Бунинг энг асосий сабаби жаҳон бозорида пахта толасига бўлган талабнинг ошиши ва асосий пахта ишлаб чиқарувчи мамлакатлар - Хитой ва АҚШда ҳосилдорлик даражасининг паст бўлганлиги ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2008 йилдан бошлаб жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози натижасида Ўзбекистон асосий экспорт товарлари бозорларида нархларнинг пасайиши кузатила бошланди. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари” асарида шундай таъкидлаган эди: “Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металллар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб

бормокда. Бу эса ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумлари камайишига олиб келади”³⁶. Жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг асосий экспорт нархларининг ўзгаришини 2-расмда кўришимиз мумкин:



3.2-расм. 2008-2009 йилларда Ўзбекистон асосий экспорт товарларига бўлган жаҳон нархларининг ўзгариши, доллар/тонна
Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари

3.2-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, барча экспорт товарларига бўлган нархларнинг кескин пасайиши кузатилмоқда. Хусусан, 2008-2009 йилларда жаҳон бозорида мисга бўлган энг минимал ва энг максимал нархлар ўртасидаги нисбат 69 фоизни, олтин бўйича – 29 фоизни, уран – 54 фоизни, қора металллар – 56 фоизни, пахта толаси – 44 фоизни, ип калава – 28 фоизни аммиакли селитра – 73 фоизни, карбамид – 74 фоизни, молибден – 76 фоизни ташкил этган.

Шунга қарамасдан, 2009 йил мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар қаторида тижорат банклари томонидан айланма маблағларни тўлдириш учун 233,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилганлиги, 105,8 млрд. сўм

³⁶Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқсодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 12-б.

миқдорида бюджет олдидаги ва етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар қарзларини тўлаш муддатларини кейинга сурилганлиги, барча турдаги энергия манбалари ва асосий коммунал хизматлар учун нархлар ўсиши ўртача 7,7%, яъни паст даражада сақлаб қолинганлигини таъкидлаш мумкин. Бу эса жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида маҳсулотни экспорт қилиш бўйича юзага келган вақтинчалик қийинчиликларга қарамасдан, экспорт қилувчи корхоналарда ишлаб чиқаришнинг пасайишини олдини олиш имконини берди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2009 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоиз оширишга эришилди. Бу 2008 йили ташқи савдо айланмасини 2,3 миллиард доллардан кўпроқ ижобий сальдо билан яқунлаш имконини берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2009-2013 йилларда ҳам мамлакатимиз экспорт ҳажми нотекис суръатларда ўзгарди. Хусусан, 2009-2011 йиллар давомида экспорт ҳажми 27,6 фоизга ўсган бўлса, 2012 йилда экспорт ҳажми 2011 йилга нисбатан қарийб 10 фоизга қисқарди. 2013 йилда эса 2012 йилга нисбатан яна 10,9 фоизга ўсиб 15087,4 млрд долларга етди.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ташқи савдони ривожлантириш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар етарли. Айниқса, экспорт таркибида юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар улушини ошириш ҳамда бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш бугунги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бу эса экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.

Бугунги кунда мамлакатимиз ташқи савдосини ҳам диверсификациялашга эҳтиёж сезилди ва бу жараёни амалга оширишга

хукумат томонидан ҳам катта эътибор қаратила бошланди. Айниқса, 2008-2009 йил юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирлари масаланинг нақадар долзарб эканини яна бир қарра исботлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ҳам ўз маърузасида қуйидаги фикрни билдириб ўтган: “Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутилиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак”³⁷.

Ташқи савдони диверсификациялаш заруратини мамлакатимизнинг экспорт-импорт операцияларининг таркибий хусусиятларини таҳлил этиш орқали аниқлаш мумкин.

3.2-жадвал

Ўзбекистон экспортининг товар таркиби

Товарлар гуруҳи	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Пахта толаси	18,1	19,1	17,2	12,5	9,3	8,6	12,1	9,3	7,7
Озиқ-овқат маҳсулотлари	4,7	5,3	7,9	8,5	4,5	6,0	9,7	6,4	9,8
Кимё маҳсулотлари ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	8,6	9,2	5,6	6,8	5,6	5,0	5,1	5,6	4,0
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	7,4	8,4	13,1	20,2	24,7	34,2	22,8	34,6	31,1
Қора ва рангли металллар	3,8	3,8	12,9	11,5	7,0	5,0	6,9	7,8	6,3
Машина ва асбоб ускуналар	12,4	11,5	10,1	10,4	7,6	2,9	5,5	6,5	5,5
Хизматлар	11,8	12,2	12,1	10,7	10,4	8,8	10,2	17,3	16,2
Бошқалар	33,2	30,5	21,1	19,4	30,9	29,5	27,7	12,3	19,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

³⁷Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А. Каримов. – Тошкент. “Ўзбекистон”.-2010. –60-б.

Жадвал маълумотларидан мамлакатимиз экспортида катта улушга эга бўлган уч гуруҳ товарларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Булар:

- энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари;
- пахта толаси;
- озиқ-овқат маҳсулотлари.

Энергия манбалари ва нефт маҳсулотларининг экспортдаги улуши ўрганилаётган даврда жадал суръатларда ўсганини кўришимиз мумкин. Ушбу маҳсулотларнинг мамлакатимиз умумий экспортидаги улуши 7,4 фоиздан 31,1 фоизгача ўсган. Агар 2005 йилда экспорт тушуми 400 млн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 4692,2 млн АҚШ долларига тенг бўлди, яъни 8,5 мартага ошди.

Пахта толасининг ҳиссасига 2013 йилда умумий экспортнинг 7,7 фоизи тўғри келиб, бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 10,4 фоиз нуқтасига камайганини кўришимиз мумкин. Пахта толаси экспортдан даромад ҳажми эса ўрганилаётган даврда 36 фоизга камайган.

Экспорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши ҳам нисбатан юқори бўлиб, 2013 йил кўрсаткичларига кўра 9,8 фоиз экспорт ушбу гуруҳ ҳиссасига тўғри келди. Бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 5,1 фоиз нуқтасига ўсган. Экспорт тушумларининг ҳажми эса 3,3 мартага ўсган.

Кескин ўзгаришни машин ва асбоб-ускуналарнинг экспортдаги улушида ҳам кузатиш мумкин. Ўрганилаётган даврда унинг экспортдаги улуши 2 мартадан кўп қисқарган бўлиб, 2005 йилда 12,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда 5,5 фоизга тенг бўлган, экспорт тушуми ҳажми 29,6 фоизга пасайган.

Экспортнинг товар таркибини диверсификациялаш зарурати иқтисодий барқарорликни таъминлаш, даромадлар оқимидаги тебраниш ва турли рискларни олдини олишда намоён бўлади.



3.3-расм. Ўзбекистоннинг 2013 йил экспортида айрим хорижий мамлакатлар улуши, %

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Агар экспорт таркибида бирор бир товар турининг, айниқса, хом ашё маҳсулотларининг улуши 20 фоиздан ошиб кетса, бу ҳолат экспорт ҳажмини ушбу товарнинг нархлари ўзгаришига боғлиқ қилиб қўяди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, меъёрий чегара 20 фоиз бўлгани ҳолда Ўзбекистонда 2013 йилда жами экспорт ҳажмида энергия манбаларининг улуши 31,1 фоизни ташкил этганлиги экспорт ҳажмининг жаҳон энергия манбалари бозоридаги ўзгаришларга таъсирчанлиги юқори бўлишига олиб келади. Маълумки, хом ашё маҳсулотлари нархларининг тебраниш амплитудаси юқори бўлиб, бу ҳолат экспортдан олинадиган даромад, шунингдек, бюджет параметрларини аниқлашда қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Экспортнинг диверсификациялашганлик даражасини ифодаловчи яна бир кўрсаткич жами экспортда хом ашё ва тайёр маҳсулотлар улуши ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жами экспортда хом ашё маҳсулотлари улушининг 20 фоиздан ошиб кетмаслиги, тайёр маҳсулотлар улуши эса 30 фоиздан кам бўлмаслиги мақбул ҳолат ҳисобланади. Айни

вақтда Ўзбекистонда хом ашё маҳсулотларининг улуши 68,5 фоизни, тайёр маҳсулотлар улуши эса 5,5 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар республикада экспорт таркибини диверсификациялаш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар кўламининг кенглигидан далолат беради.

3.2. Ўзбекистон ташқи савдоси таркибини такомиллаштиришда Саудия тажрибасидан фойдаланиш йўналишлари

Жаҳон хўжалик амалиётида тўпланган тажрибалардан республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш моделининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, Саудия Арабистони ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш бўйича қатор ижобий тажрибага эга бўлиб, мазкур тажрибани Ўзбекистонда қўллаш ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Мамлакатимизда ташқи савдони ислоҳ этиш стратегиясини ишлаб чиқишда экспорт таркибини диверсификация йўналишларини аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда иқтисодиётнинг бугунги ҳолати ва истиқболдаги вазиятини чуқур ўрганиш, илмий асосланган ҳолда таҳлил қилиш ва таклифларни ишлаб чиқиш лозим. Саудия тажрибаси шуни кўрсатадики, экспорт таркибини диверсификациялашда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- экспортни диверсификациялаш жараёнларини амалга ошириш харажатлари миқдори;
- экспорт диверсификациялашувининг иқтисодий ресурслар билан таъминланаганлик даражаси;

- экспортни диверсификациялаш жараёнларининг самарадорлиги ва сарфланган харажатларни қоплаш муддати;

- экспортга йўналтирилган тармоқларнинг ривожланганлик даражаси;

- мавжуд бозорларнинг товар сиғими;

- мамлакатнинг ташқи бозордаги нуфузи;

- янги бозорларга чиқиш имконияти ва рақобат муҳити;

- транспорт ва сақлаш имкониятлари ва бошқалар.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиққан ҳолатда экспортни диверсификациялашнинг учта асосий йўналишини ажратиш кўрсатиш мумкин. Булар:

1. Экспортнинг товар таркибини такомиллаштириш.

2. Экспорт маҳсулотлари етказиб берилаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш.

3. Мамлакат минтақаларининг экспорт имкониятларини ошириш.

Экспортнинг географик таркиби кенгайтиришда экспорт маркетинги, давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги, турли савдо-иқтисодий ташкилотларида иштироки катта аҳамиятга эга. Экспорт маркетинги экспортчи корхоналар ва махсус давлат ташкилотлари томонидан тегишли тадқиқот бўлинмалари барпо этишни назарда тутаяди, хорижий мамлакатда мақсадли товар бозорлари ҳақида маълумотларни йиғиш ва маҳсулотларни бозорларга олиб кириш чора-тадбирларини ўз ичига олади. МДХ мамлакатларига экспортимизнинг катта қисми тўғри келиши ҳам маҳсулотаримизнинг ушбу ҳудудда яхши танилганлигидан. Шу сабабли мамлакатимизнинг ташқи савдо ҳолатидан келиб чиқиб, маркетинг фаолиятини амалга оширишда, асосан, узоқ хориж мамлакатларига алоҳида урғу бериш лозим. Маркетинг фаолиятини молиялаштириш ишлаб чиқарувчилардан катта миқдорда ресурслар талаб этади. Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятида катта ўринга эга кичик бизнес

вакилларининг молиявий имкониятлари чекланганини ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилиши лозим.

Маҳсулот ва хизматлар етказиб берилаётган мамлакатлар географиясини кенгайтиришда давлат томонидан амалга оширили кўзда тутилган икки амалиётни таклиф қилиш мумкин:

- янги бозорларни ўзлаштиришга йўналтирилган маҳсулотларни экспорт божларидан озод қилиш, экспорт харажатларини қоплаш мақсадида имтиёзли кредит ва субсидиялар тақдим этиш;

- ишлаб чиқарувчиларга янги бозорлар, иқтисодий имкониятлари, рақобат муҳити, давлатнинг иқтисодий сиёсати ҳақида ахборотлар етказиб турувчи махсус ташкилот тузиш. Бу ишлаб чиқарувчиларнинг рискинни камайтиради ва уларни экспортга рағбатлантиради.

Ўзбекистонда экспорт таркибини диверсификациялаш ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқишни ва уни изчиллик билан амалга оширишни тақозо этади. Бунинг учун ушбу дастурда экспорт таркибини диверсификациялаш босқичлари ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос вазифаларини белгилаб олиш зарур.

Биринчи босқич 2020 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу босқичда мавжуд бозорларда барқарор талабга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг технологик базасини такрор ишлаб чиқариш асосий вазифа ҳисобланади ва экспорт таркибини диверсификациялаш нефть ва газ, нефть-кимё, кимё, тоғ-кон саноати, энергетика, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш эвазига амалга оширилади. Бунда асосий эътибор фойдали қазилмаларнинг янги конларини излаб топиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, янги ишлаб чиқариш турларини ишга тушириш ҳамда истиқболли транспорт коридорларини ўзлаштиришга қаратилади. Айни вақтда хорижий инвестицияларни кенг миқёсда жалб

етиш асосида тўқимачилик саноатини ривожлантириш, туризм тараққиёти учун зарур шарт-шароитларни барпо-етиш ушбу босқичнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Иккинчи босқичнинг (2020-2025 йиллар) асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим: энг янги технологияга эга ишлаб чиқариш турларини барпо этиш ва ташқи бозорга илмталаб маҳсулотлар билан чиқиш, ривожланишнинг инновацион босқичига ўтишнинг иқтисодий, институционал ва инфратузилма асосларини яратиш, илмий-техника салоҳиятини мустаҳкамлаш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ҳамда соғлом рақобат муҳити учун мавжуд шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришнинг энг илғор соҳаларига жалб этишни рағбатлантириш ва ҳ.к.

Учинчи босқичда (2026-2030 йиллар) ижобий тенденцияларни сақлаб қолган ҳолда миллий иқтисодиётнинг барча муҳим тармоқларини технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришнинг ишлаб чиқариш ва илмий-техник асосларини барпо этиш, жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш улушини ошириш, халқаро талаблар даражасида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш меъёрларини жорий этиш лозим.

Молия-кредит ва солиқ дастаклари экспортни диверсификациялашни рағбатлантириш тизимининг муҳим таркибий қисмидир. Улар орасида экспорт кафолатларини тақдим этиш, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлаш экспортни қўллаб-қувватлашнинг самарали воситаларидан ҳисобланади. Айниқса, узоқ муддат давомида тайёрланадиган ускуналарни экспорт қилувчи корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки бундай ускуналар экспорти учун узоқ муддатли кредитлаш тизимининг жорий этилмаслиги корхонанинг экспорт салоҳиятига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Бюджет ресурсларининг чекланганлиги шароитида экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш нафақат имтиёзли давлат кредитлари, балки кредитлаш шароитларининг яхшиланиши ва таваккалчилик даражасининг пасайишига олиб келувчи давлат кафолатлари остида хусусий тижорат кредитларини жалб этиш асосида ҳам амалга оширилиши лозим.

Экспорт таркибини диверсификациялашни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари жумласига қуйидагилар киради:

- экспортга йўналтирилган ИТТКИ (Илмий-техника ва тажриба конструкторлик ишлари)ни, илмталаб ва юқори технологияли маҳсулотларни ўзлаштириш дастурларини, экспорт ишлаб чиқаришини ривожлантиришга мўлжалланган ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар импортини давлат иштирокида кредитлаш;

- экспортга маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ташкилотларни халқаро тендерларда иштирок этишлари учун давлат кафолатларини тақдим этиш. Шунингдек, кредит чора-тадбирлари тизимида имтиёзли экспорт кредитлари ва экспорт операцияларини суғурталаш муҳим ўрин тутди.

Илмталаб маҳсулотлар экспортини амалга оширувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларининг асосий шакллари қуйидагилар бўлиши мумкин: илмталаб маҳсулотларни ўзлаштириш даврида уларни солиқлардан озод қилиш, илмталаб маҳсулотлар экспортининг ўсган қисмидан олинган фойдага паст солиқ ставкаларини жорий этиш. Республика солиқ тизимини такомиллаштириш ва солиқларнинг экспортни рағбатлантирувчи таъсирини ошириш доирасида корхонанинг солиқ базасидан товарни экспортга чиқаришга қаратилган реклама фаолияти билан боғлиқ харажатларни чиқариб ташлаш ва ҳ.к. Айни вақтда экспортни бевосита субсидиялаш ишларини чекланган қўламда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Давлат ташкилотлари корхоналарга

истикболли бозорларни аниқлашга, зарурий ахборотлар билан таъминлашга, хорижий мамлакатларда савдо ярмаркалари ва кўргазмаларини ташкил этишга, миллий товарларни ташқи бозорга етказиб беришга кўмаклашишлари лозим.

3-боб бўйича хулосалар

3-боб бўйича олиб борилган тадқиқотлар қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Ўзбекистонда 2000-2013 йилларда ташқи савдо айланмаси 4,65 мартага, экспорт ҳажми 4,62 мартага ошган. Ушбу давр оралиғида мамлакатда экспорт ҳажми нотекис суръатларда ривожланган. 2009-2013 йилларда ҳам мамлакатимиз экспорт ҳажми нотекис суръатларда ўзгарди. Хусусан, 2009-2011 йиллар давомида экспорт ҳажми 27,6 фоизга ўсган бўлса, 2012 йилда экспорт ҳажми 2011 йилга нисбатан қарийб 10 фоизга қисқарди. 2013 йилда эса 2012 йилга нисбатан яна 10,9 фоизга ўсиб 15087,4 млрд долларга етди.

2. Мамлакатимиз экспортида катта улушга эга бўлган уч гуруҳ товарларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Булар:

- энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари;
- пахта толаси;
- озиқ-овқат маҳсулотлари.

3. Энергия манбалари ва нефт маҳсулотларининг экспортдаги улуши ўрганилаётган даврда жадал суръатларда ўсганини кўришимиз мумкин. Ушбу маҳсулотларнинг мамлакатимиз умумий экспортидаги улуши 7,4 фоиздан 31,1 фоизгача ўсган. Агар 2005 йилда экспорт тушуми 400 млн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 4692,2 млн АҚШ долларига тенг бўлди, яъни 8,5 мартага ошди.

Пахта толасининг ҳиссасига 2013 йилда умумий экспортнинг 7,7 фоизи тўғри келиб, бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 10,4 фоиз нуқтасига камайганини кўришимиз мумкин. Пахта толаси экспортидан даромад ҳажми эса ўрганилаётган даврда 36 фоизга камайган.

Экспорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши ҳам нисбатан юқори бўлиб, 2013 йил кўрсаткичларига кўра 9,8 фоиз экспорт ушбу гуруҳ ҳиссасига тўғри келди. Бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 5,1 фоиз нуқтасига ўсган. Экспорт тушумларининг ҳажми эса 3,3 мартага ўсган.

ХУЛОСА

Саудия Арабистони ташқи савдоси таркибидаги ўзгаришларга бағишланган магистрлик диссертацияси натижаларини умумлаштириш куйидаги хулосаларга келиш миконини берди:

1. Халқаро савдо назарияларини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, унинг моҳиятини ёритиб беришга қаратилган классик қарашлар ҳам, замонавий қарашлар ҳам ташқи савдо муносабатлари ривожланиши жараёнида вужудга келадиган барча саволларга жавоб бера олмаса-да, мамлакатларнинг жаҳон бозорида ўзига хос ўрин эгаллашларини таъминловчи афзаллик жиҳатларини аниқлашга имкон беради.

2. Сўнгги йилларда фан-техника тараққиётининг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви натижасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг характери ва йўналишларида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Бутунжаҳон савдо ташкилоти маълумотларига кўра 2012 йилда жаҳон товар ва хизматлар савдоси тахминан 23 трлн. долларни ташкил этди. Агар фақат товарлар савдосини кўриб чиқадиган бўлсак, у ҳолда жаҳон савдоси 18,4 трлн. долларни ташкил этади. Айни вақтда жаҳон товар ва хизматлар савдоси 1980 йилга нисбатан 5,6 мартага ошганлигини таъкидлаш зарур.

3. Жаҳон товар ва хизматлар экспортининг жаҳон ялпи ички маҳсулотига нисбати 2012 йилда 32 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, 1990 йилларнинг бошларида бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил этар эди. 1992-2012 йиллар давомида жаҳон ялпи ички маҳсулотида экспорт квотаси 1,5 мартага ошди. Бу эса жаҳон савдоси жаҳон ишлаб чиқаришига нисбатан юқорироқ суръатларда ўсаётганлигини билдиради. Бундай тенденция натижасида эса миллий хўжаликларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси яқин йилларга нисбатан ҳам сезиларли даражада ортди.

4. Жаҳон савдосида ривожланган мамлакатлар позициясининг сусайиши ва Хитой ҳамда Осиёнинг қатор динамик ривожланаётган

мамлакатлари улушининг ошиши жаҳон савдоси ривожланишининг муҳим тенденцияларидан бири ҳисобланади. Бундай тенденция натижасида 2010 йилнинг бошида жаҳон савдосида ўзига хос ҳодиса юз берди, яъни биринчи марта жаҳон савдосида ривожланаётган мамлакатларнинг улуши ривожланган мамлакатлардан юқори бўлди ва 50 фоиздан кўпроқни ташкил этди. Ваҳоланки, 1980 йилда бу мамлакатларнинг жаҳон савдосидаги улуши 33 фоизни ташкил этар эди, холос.

5. Саудия Арабистони ташқи савдо сиёсатининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, у энг аввало, анъанавий маҳсулотлар экспортини оширишга ва ундан тушган валюта тушумларини иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга сарфлашга ҳаракат қилмоқда. Бироқ анъанавий экспорт маҳсулотлари хомашё (углеводород ресурслари) бўлганлиги муносабати билан Саудия Арабистони ташқи бозор конъюнктурасига кучли боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу эса барқарор валюта тушумларини олишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан олдинги – 2008 йилда Саудия Арабистони экспорти қарийб 500 млрд. долларни ташкил этган бўлиб, глобал инқироз натижасида 2009 йилда нефть нархларининг пасайиб кетиши ташқи савдо айланмасини 364,7 млрд. долларга, яъни қарийб 27 фоизга қисқариб келишига олиб келди. Айниқса, экспорт ҳажми кескин қисқарди. Агар 2008 йилда Саудия Арабистони 322,9 млрд.долларлик товар ва хизматлар экспорт қилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 37,3 фоизга камайиб 202,6 млрд. долларга тенг бўлди. Шу йили импорт 8,3 фоизга камайди.

7. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2008-2013 йиллар давомида Саудия Арабистонининг ташқи савдо айланмаси 23,5 фоизга ўсди ва қарийб 617 млрд. долларга етди. Айни вақтда экспортга нисбатан импортнинг юқорироқ суръатларда ўсиши кузатилди: агар 2008 йилга нисбатан 2013 йилда Саудия экспорти 20 фоиз ўсиб, 387,6 млрд. долларга етган бўлса,

импорт ҳажми бу даврда 29,3 фоизга ўсиб, 229,3 млрд долларни ташкил этди. Бунинг натижасида мамлакат ташқи савдо сальдосининг ўсиши сезиларли даражада пасайди ва 2013 йилга келиб 158,3 млрд долларга тенг бўлди.

8. Саудия Арабистони экспортининг асосий қисмини ёқилғи ва нефть маҳсулотлари ташкил этиб, унинг жами экспортдаги улуши деярли ўзгармасдан келмоқда. Агар 2008 йилда Саудия Арабистони жами экспортининг 91 фоизи ёқилғи ва нефть маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2013 йилга келиб унинг улуши бирмунча пасайди ва 87 фоизга тенг бўлди.

9. Сўнгги йилларда Саудия Арабистони импортида бир қатор ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлардан энг асосийси шундан иборатки, мамлакат импортининг таркибида қайта ишлаш маҳсулотлари, энг аввало, машина ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа шу каби товарлар улуши 2008-2013 йиллар давомида 36 фоиздан 79 фоизгача ўсди.

10. Саудия Арабистони импорти таркибида юз берган яна бир муҳим ўзгариш шундан иборатки, унинг таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 2008 йилда 11 фоиздан 2013 йилда 15 фоизгача ошганлигидир. Бунинг албатта объектив сабаблари ҳам мавжуд. Мамлакатнинг катта қисми чўллардан иборат бўлганлиги сабабли бу ерда деҳқончилик юритиш азалдан қийин бўлган. Импортнинг бошқа моддаларида деярли ўзгариш бўлмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2014. - 42 б.
2. Ўзбекистон Республикаси “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил 13 июнь (ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан).
3. Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрель (ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан).
4. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 24 декабрь (ўзгартириш ва қўшимчалар билан)
5. Ўзбекистон Республикасининг “Концессия тўғрисида”ги Қонуни. 1995 йил 30 август (ўзгартириш ва қўшимчалар билан)
6. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонуни. 1998 йил 30 апрель (ўзгартириш ва қўшимчалар билан)

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

7. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ–1442–сонли Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги ««Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 9 апрель

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2009 йил 23 апрель

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

11. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 74 б.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 269 б.

13. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 326 б.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 48 б.

15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

16. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

17. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

18. Каримов И.А. 2012-йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2012. – 56 б.

19. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.

20. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. /Халқ сўзи, 17.01.2015.

IV. Илмий адабиётлар

4.1. Монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари

21. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. – М., 1999. – с.158.

22. Биржаков М.Б. Введение в туризме. Изд. 9-е, перераб. и доп. – СПб.: Герда, 2008. – 576 с.

23. Вавилова Е.В. Основы международного туризма. – М: Гардарики, 2005г.

24. Воскресенский В.Ю. Международный туризм: учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 255 с.

25. ВТО: механизм взаимодействия национальных экономик. Угрозы и возможности в условиях выхода на международный рынок. – М.: Эксмо, 2008. – 44 б.

26. Воломин И., Исаева Н.В., Ильина Е.И.. Туризм как вид деятельности: Учебник для студентов вузов тур.профиля — Москва, 2003г.

27. Дмитриевский Ю.Д. Туристские районы мира. – Смоленск: СГУ, 2000г.

28. Драчева Е.Л. Специальные виды туризма. Лечебный туризм: учебное пособ. – М.: КНОРУС, 2008. – 152 с.

29. Дурович А.П. Организация туризма. - СПб.: Питер, 2009. – 320 с.

30. Камилова Ф.К. Меҳмонхона ва ресторан хўжалиги маркетинги. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2007, - 240 б.

31. Камилова Ф.К., Таишева И.М., Сайфутдинов Ш.С. Туризм индустрияси. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2007, - 240 б.

32. Камилова Ф. Халқаро туризм бозори. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2007.
33. Квартальнов В.А. Туризм: учебник.-2-е изд., перераб.- М.: финансы и статистика, 2007.-336 с.
34. Кликич Л.М. Эволюция сферы услуг: неравновесный подход. – М.: 2004. – 282 с.
35. Котлер Ф. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм: Учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 1071 с.
36. Котлер Ф. Основы маркетинга. Краткий курс. – М.: «Вильямс», 2008. – 656 с.
37. Кусков А.С., Джаладян Ю.А. Основы туризма: Учеб. – М.: КНОРУС, 2008. – 400 с.
38. Леннон Дж. Д., Смит Х., Кокерелл Н., Трю Д. Управление индустрией туризма. Лучший опыт деятельности национальных организаций и агентство по туризму. – М.: «Группа ИДТ», 2008. – 272 с.
39. Малахова Н.Н., Ушаков Д.С. Инновации в туризме и сервисе. – М.: ИКЦ МарТ, Ростов н/Д: МарТ, 2008. – 224 с.
40. Маринин М.М. Туристские формальности и безопасность в туризме. Москва, 2004г.
41. Можаева , Н. Г., Богинская , Е. В. Туризм: учебник. – М.: Гардарики, 2007. — 270 с.
42. Морозов М.А. Экономика и предпринимательство в социально-культурном сервисе и туризме: учебник - М.: «Академия», 2007. – 288 с.
43. Назарова Г. Комилова Ф. Ўзбекистонда туризм имкониятларини кенгайтириш. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – 2000. 48-49 б.
44. Новиков В.С. Инновации в туризме: учеб. пособ. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. – 208 с.
45. Папирян Г.А. Менеджмент в индустрии гостеприимства. – М: Экономика, 2000. – 224 с.

46. Пузакова Е.П. Международный туристский бизнес. – М.: «Издательство ПРИОР», 2001. – 240 с.
47. Полещук Н.И. Основные тенденции развития международного туризма. Беларусь, 2012г.
48. Пономарева С.Ю. Международный туризм как форма внешнеэкономической деятельности региона. Ростов-на-Дону, 2012г.
49. Саидов А. Система туризма и механизм адаптации ее к рынку. – Т: Кибернетика, 1992. - 26 с.
50. Сенин В.С., Денисенко А.В. Гостиничный бизнес: классификация гостиниц и других средств размещения: Учеб. пособ. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 144 с.
51. Тишуков Ю.В. Потребитель на рынке туристических услуг: практич. пособ.– Ростов н/Д: Феникс, 2007. – 270 с.
52. Уокер Дж.Р. Введение гостеприимство. Зарубежный учебник. 4-е изд. перераб и доп. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2008. – 735 с.
53. Ушаков Д.С. Технологии выездного туризма: Учеб. пособ. — Изд. 2-е. –М.: ИКЦ «МарТ»; 2007. - 384 с.
54. Христов Т. Т. Религиозный туризм: учеб. пособ. — 3-е изд., испр. — М.: Издательский центр «Академия», 2007. — 288 с.
55. Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учеб. пособ. – М.: КНОРУС, 2007. – 416 с.
56. Яковлев Г. А. Экономика и статистика туризма: Учеб. пособ. 4-е изд., перераб. и доп. — М.: РДЛ, 2007. — 480 с.
57. Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. – Т.: «Адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001. – 328 б.

4.2. Илмий журнал ва тўпламлардаги мақолалар

58. Абатуров В. Центральноазиатская интеграция под эгидой АБР. //Экономическое обозрение. 2003, №12. - с.13-17.

59. Арифханов Ш. Р. Формирование Центрально-азиатского общего рынка с учетом национальных интересов Узбекистана. //«Экономика Узбекистана» информационно-аналитический бюллетень за 2005 год. – 2006, №8. – с.117-120.

60. Балаева А., Предводителя М. Сфера услуг в мировой экономике: тенденции развития //Мировая экономика и международные отношения. М.: 2007. - №3 – С.23-28. 57. Бедринцев А. Узбекистан в мирохозяйственных связях: интеграционное взаимодействие. // Ж.Мировая экономика и международные отношения. 1999 г. №2. с. 99-104.

61. Бекмуратов А. Внешняя политика Республики Узбекистан в контексте экономической безопасности (методологический аспект).//Xalqaromunosabatlar. 2000, №2. - с.3-10.

62. Демидова Л. Сфера услуг в постиндустриальной экономике // Мировая экономика и международные отношения. М.: 2009. – №2. – С.24.

63. Добровски М. Обновленный Европейский союз и СНГ реалии экономического сотрудничества //Неприкосновенный запас. – Астана, 2007. –№6 (56).– Б.26-30.

64. Доулинг М., Вигнараджа Г. Экономическое возрождение республик Центральной Азии: рубеж пройден //Центр. Азия и Кавказ. - Lulea, 2005. - №6. - с. 120-132.

65. Дусчанов Р. О возможности использования опыта интеграции стран Западной Европы государствами Центральной Азии. //Центральная Азия и Кавказ. 2003, №5. - с.204-207.

66. Зевин Л.З., Ушакова Н.А. Россия и Центральная Азия: Проблемы и перспективы экономических отношений // Восток=Oriens. - 2005. – №2. - С.77-89; №3. - С.91-103.

67. Парамонов В., Камилов И., Строков А. Состояние и перспективы интеграции в Центральной Азии. // Экон. обозрение. - Ташкент, 2005. - №2. - с. 6-11.

68. Суюнов Д. Хизмат кўрсатиш ва сервис фаолиятини ташкил этиш масалалари // Bozor, Pul va Kredit. – Т.: 2011. – №7. – Б.64-66.

69. Dr. Saleh bin Mohammed Al Nabit. “Qatar in Figures in 2011 – 2013” // monography – Qatar, Doha 2014

70. Tamim Bin Hamad Al-Thani . “National Development Strategy 2011–2016”- Washington, DC. 2012 - №1 – P. 52.

4.3. Хорижий тилдаги адабиётлар

71. Lovelock C. Services Marketing. People, Technology, Strategy. – New Jersey, 2001. – P.12.

72. Investment Support and Promotion Agency of Turkey /Your One-Stop-Shop/ Ankara: December. 2013 pages 81.

V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

73. UNCTAD Handbook of statistics 2013. New York and Geneva 2014

74. Статистическое обозрение Узбекистана за 2013 год. Т.: 2014. – 87с.

75. Статистический ежегодник Республики Узбекистан. Т.:2014. – 371с.

76. Узбекистан в цифрах. Т.: 2014. – 152с.

77. International Trade Statistics 2013. WTO. P. 54, 70–71, 97–98.

78. Экономка Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. Т.: 2015. – 70с.

VI. Интернет сайтлари

79. <http://www.wto.org> (Бутунжаҳон савдо ташкилоти)

80. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси)

81. <http://www.cer.uz> (Иқтисодий тадқиқотлар маркази)

82. <http://www.cisstat.org>. (МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси)

83. www.bp.com - BP Statistical Review of World Energy